

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

18-сон
(830)
2018 йил
7 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

360. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юкори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 январдаги ПҚ–3479-сонли қарори)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ–5429-сон Фармони
361. «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ–5430-сон Фармони
362. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5019-сонли «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини

- кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПФ–5436-сон Фармони
363. «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги ПҚ–3693-сон қарори [Кўчирма]
364. «Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПҚ–3694-сон қарори
365. «Жиззах вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПҚ–3695-сон қарори
366. «Ички бозорни цемент билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПҚ–3696-сон қарори
367. «Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги ПҚ–3697-сон қарори

Учинчи бўлим

368. «Ижтимоий дорихоналар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 334-сон қарори
369. ««Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини амалга оширишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 майдаги 339-сон қарори

Бешинчи бўлим

370. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/15-сон «Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1598-3*)

372. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/14-сон «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003*)
373. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 83, 13, 2018-32-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2203-6*)
374. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 2018-30, 80, 01-02/8-30-сон «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, пудрат ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, шунингдек қурилиш материаллари ва ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2792-1*)
375. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 апрелдаги 14/19-сон «Банкларга васийлик қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 570-3*)
376. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 9 апрелдаги 2018/05-02, 29, 9, 01-02/12-21-сон «Хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намоёиш этиш учун хунармандчилик маҳсулотлари олиб чиқилишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3004*)
377. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 апрелдаги 14/21-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-4*)
378. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил

- 14 апрелдаги 14/20-сон «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилени ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 573-7*)
379. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 16 апрелдаги 3-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 6-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-2*)
380. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг 2018 йил 7 февралдаги 3, 2-сон «Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3005*)
381. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 6 апрелдаги 4-мх, 2-мх-сон «5 — 9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2117-1*)
382. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 19 апрелдаги 79-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2772-1*)
383. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2018 йил 25 апрелдаги 01-125-сон «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2490-3*)

384. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 апрелдаги 5-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1992-2*)
385. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2018 йил 4 апрелдаги 12-қ/қ, 7-2018, 04-қ/қ-сон «Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳон ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3006*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 28 апрелдан 5 майгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

360 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 январдаги ПҚ–3479-сонли қарори)*

Ўзбекистон Республикаси «Ер қаъри тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 январдаги ПҚ–3479-сонли қарорига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 январдаги ПҚ–3479-сонли қарорига мувофиқ:

норуда қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш ваколати Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига ўтказилди;

норуда қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси тугатилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда норуда қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун қулай шароитлар яратишни назарда тутувчи Норуда қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги янгиланган Низомни тасдиқласин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

келишув тартибини тубдан соддалаштириш ва лицензиялар бериш муддатларини қисқартириш;

норуда қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этувчи механизмнинг шаффофлигини таъминлаш.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 майда эълон қилинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар бир ой муддатда илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу фармонга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқаруви раиси А.С. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Б.Ф. Исломов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 май,
ПФ-5429-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 4 майдаги
ПФ-5429-сонли Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-4866-сонли Фармони иловасининг 2-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 майдаги «Норуда қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ПҚ-1524-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 7 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-1850-сонли қарори иловасининг 2-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ПҚ-2213-сонли қарори иловасининг 4-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-2280-сонли қарори иловасининг 3-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш-

лар киритиш тўғрисида»ги («Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси) ПҚ–2655-сонли қарори иловасининг 2-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Норуда қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисидаги»ги ПҚ–3002-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ПҚ–3515-сонли қарори иловасининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ–3286-сонли қарори).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

361 Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Кейинги вақтларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар қўрилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда.

Шу билан бирга ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 майда эълон қилинган.

тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаган, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжлари тизимли таҳлил қилинмаяпти, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилмаган;

иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражасининг пастлиги барча ижтимоий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инobatга олишга имкон бермаяпти;

учинчидан, етарли қонунчилик базаси яратилганлигига қарамай, ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг қўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмайди;

тўртинчидан, мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион ғояларни таклиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмаяпти;

бешинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини, уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи қонунчилик нормаларида ортиқча бюрократик талаблар ва ғовлар назарда тутилган бўлиб, бу нормалар эскирган ва замон талабларига жавоб бермайди;

олтинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қўлланилаётган идоралараро ҳамкорлик усуллари самарасиздир, давлат органлари ўртасида маълумотлар ва ахборот алмашишнинг ягона механизмлари мавжуд эмас;

еттинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техника таъминоти ханузгача қониқарсиз ҳолатда қолмоқда, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта муддатли ва узоқ муддатли кенг қўламли ҳамда умумреспублика миқёсидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга имкон бермаяпти.

Мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамия-

тини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши (кейинги ўринларда Маслаҳат кенгаши деб юритилади) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

ўрта муддатли ва узоқ муддатли истикболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда хабардор қилиш;

давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмларини, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

илмий ва экспертлар гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш;

фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган хиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва махсус, шу жумладан муқобил маърузалар тайёрланишини ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда кўмаклашиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Маслаҳат кенгаши фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан мувофиқлаштирилади;

Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2018 йил 1 июндан бошлаб:

рўйхатдан ўтказувчи орган билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбирларини келишиш тартиби режалаштириладиган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилади;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисобварақларига чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан уларнинг уставларида (низомларида) назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ажратилган грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг мамлакатдаги исталган банк муассасаларида очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушади;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган келиб тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади;

жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 30 фоиздан ошмаслиги керак;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда қуйидагиларга доир ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этиш имкониятини таъминловчи электрон тизимни ишлаб чиқсин ва жорий этсин:

нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказишга, қайта рўйхатдан ўтказишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштириладиган тадбирлари ҳақида хабардор қилишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларига;

нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишишга;

б) икки ой муддатда:

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш ва ўрганиш турлари, муддатлари, даврийлиги ва бошқа тартиб-таомилларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари хамда уни тақдим этиш тартибини соддалаштириш бўйича чоралар кўрсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ташкил қилсин хамда улар ўз фаолиятини амалга оширишни давом эттириши учун 2019 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, маҳаллий бюджетлардан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

8. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларининг муассисларидир.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари»ни ташкил этсин;

мазкур биноларга янги ташкил этилган, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ижара тўловининг «ноль» ставкасини қўллаган ҳолда жойлаштириш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий суд, Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ундирувларни қайта кўриб чиқиш ва сезиларли даражада қисқартириш бўйича таклифлар киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа

институтлари масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни ташкил этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил этишни амалиётга киритиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларини бузаётган ва тақиқланган фаолият билан шуғулланаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини аниқлаш бўйича адлия органларининг бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилсин;

гуманитар ёрдам олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш чораларини кўрган ҳолда, шунингдек, ушбу соҳада ягона ваколатли органни белгилаган ҳолда, Гуманитар ёрдам юқларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ҳамда гуманитар лойиҳалар устидан мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқсин ва унинг янги таҳририни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасида волонтерлар (кўнгиллилар) ҳаракатини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

13. Манфаатдор вазирлик ва идоралар амалдаги штатлар сони доирасида раҳбар ўринбосарларидан бирини нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича масъул этиб белгиласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг мамлакатда нодавлат нотижорат секторини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакилларига ҳамда ташаббускор фуқароларга фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатган ишлари ва ютуқлари учун топшириладиган «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Танлов ўтказиш ва муваффақиятли ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга оширганлик учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳар йили мукофот бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тавсия этилсин.

17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий фаолияти аҳоли орасида мунтазам равишда ва кенг ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзи қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р.Р. Иноятов ва Р.Т. Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 май,
ПФ-5430-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 4 майдаги
ПФ-5430-сонли Фармониغا
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ТАРКИБИ

1. Саидов А.Х. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Маслаҳат кенгаши раҳбари
2. Камилов Р.Т. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
3. Куранбаев К.К. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи раиси
4. Муродов О.Б. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
5. Мавлонов Б.М. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари
6. Нарбаева Т.К. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси

7. Давлетов Р.К. — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири
8. Рафиқов К.М. — Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси
9. Абдукаримов Г.О. — Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори
10. Насриев И.И. — Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси
11. Жавлонов Ш.С. — Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси
12. Жалилов Ш.И. — «Нуроний» жамғармаси раиси
13. Икромов А.И. — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси
14. Хаитов А.А. — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
15. Хусанов О.Н. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори
16. Юсупов С.К. — Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори
17. Абдухолиқов Ф.Ф. — Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раиси
18. Убайдуллаева Р.А. — «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори
19. Бурханов А.Э. — «Тараққиёт стратегияси» маркази директори
20. Кадилов А.К. — Республика Маънавият ва маърифат маркази директори
21. Кудратходжаев Ш.Т. — Халқаро пресс-клуб раҳбари
22. Кабулова Д.Н. — Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази директори
23. лавозими бўйича — Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази директори
24. Абрамашвили А.И. — «Иқтидорли болалар» Халқаро инновацион жамоат бирлашмаси раиси
25. Абдуллаев У.Т. — «Хунарманд» уюшмаси раиси
26. Махмудова Г.Г. — «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси
27. Алимов А.А. — Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази директори
28. Саримсаков Ж.Т. — Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси
29. Юсупова И.Т. — Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси раиси
30. Ахмаджонов У.М. — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти
31. Абдуллаев К.К. — Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси
32. Инамова С.Т. — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди раиси

33. Усмонов М.З. — «Эзгу мақсад» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси
34. Искандарова Г.Р. — «Менга умр бахш эт» халқаро хайрия ташкилоти раиси
35. Каримов Х.Я. — Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти раиси
36. Ходжаева С.А. — Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти директори
37. Хакимов С.Х. — Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси
38. Саидов С.С. — Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси
39. Каримов А.Р. — Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фонди раиси
40. Рашидова С.Ш. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги
41. Аюпов Ш.А. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги
42. Гулямов М.А. — Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти сектор раҳбари, Маслаҳат кенгашининг масъул котиби.

Изоҳ: Маслаҳат кенгашининг аъзолари бошқа лавозимга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

362 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5019-сонли «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунлар ва қабул қилинаётган қарорларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5019-сонли «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 майда эълон қилинган.

ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Р. Иноятов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 май,
ПФ-5436-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 7 майдаги
ПФ-5436-сонли Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
18 апрелдаги ПФ-5019-сонли «Ижтимоий-иқтисодий
ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация
қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли
ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг
ролини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 6²-банд билан тўлдирилсин:

«6². Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг байроғи ва эмблемаси намуналари 5 ва 6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, байроқ ва эмблемадан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланади».

2. 10 ва 11-бандлардаги «5-иловага» ва «6-иловага» деган сўзлар тегишинча «7-иловага» ва «8-иловага» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Қуйидаги мазмундаги 5 ва 6-иловалар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги
ПФ-5019-сонли Фармониغا
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси прокуратураси байроғининг
ТАВСИФИ**



Ўзбекистон Республикаси прокуратураси байроғи (кейинги ўринларда байроқ деб юритилади) барқарорлик, матонат, содиқлик, фидойийлик ва мардликни ифода этувчи мовий рангли тўғри бурчакли мато кўринишига эга.

Байроқ марказида геральдик белги — Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг эмблемаси тасвирланган.

Байроқ узунлиги — 250 см, эни — 125 см.

Байроқнинг ҳажми бошқача ҳам бўлиши мумкин, бироқ барча ҳолларда байроқнинг эни узунлигига нисбатан 1:2 бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги
ПФ-5019-сонли Фармониغا
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси прокуратураси
эмблемаси — геральдик белги
ТАВСИФИ**



Геральдик белги — Ўзбекистон Республикаси прокуратураси эмблемаси пастки қисми чўзилган, юқори бурчаклари кесилган учбурчак қалқон кўри-нишига эга бўлиб, давлат ва жамиятни ҳимоя қилиш рамзини англатади.

Қалқон ортида — иккита диагонал кесишган ўткир тивлари пастга йўнал-тирилган қиличлар жойлашган. Қиличлар дастаси бешта халқадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фаолиятининг асосий прин-циплари — бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошко-раликни ифодалайди.

Қалқон юзаси ва қиличлар кумуш рангда. Қалқон марказида Ўзбекис-тон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербидан қалқоннинг қамбар хошия-ларига қадар куёш нурларини ифодаловчи бўртма тўғри чизиклар тортил-ган.

Қалқоннинг чап томонида тўқ кўк рангли бош ҳарфлар билан лотин алифбосида: «O'ZBEKISTON», ўнг томонида: «PROKURATURASI» деб ёзил-ган.

Геральдик белги қонун ҳужжатларига мувофиқ бир хил рангда (силуэт тарзида) тасвирланиши мумкин».

4. 5 ва 6-иловалардаги «5-илова» ва «6-илова» деган сўзлар тегишинча «7-илова» ва «8-илова» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**363 Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривож-
лантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада
рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*****[Кўчирма]**

Мамлакатимизда чарм хом ашёсини чуқур қайта ишлаш асосида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон пойабзал ҳамда чарм-атторлик маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Қабул қилинган чора-тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилиши натижасида 2012 — 2017 йиллар мобайнида терини қайта ишлаш, чарм ва чарм-атторлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 баравардан ортиқ ўсди, терини қайта ишлаш ва унга ишлов беришнинг замонавий технологиялари жорий этилмоқда, ишлаб чиқарилаётган пойабзал маҳсулотлари турлари кенгаймоқда.

Шу билан бирга, чарм-пойабзал соҳасини бошқаришнинг шаклланган тизими ушбу соҳада республикамизнинг мавжуд захиралари ва салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш имконини бермаяпти.

Йирик ва майда шохли моллар терисини, шунингдек, мўйна хом ашёси ва жунни тайёрлашнинг бозор механизмлари ҳамда уларни сақлашнинг замонавий технологиялари секинлик билан жорий этилмоқда. Тери хом ашёсини қайта ишлаш даражаси паст бўлиб қолмоқда, тармоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда ярим тайёр чарм маҳсулотлар улуши юқори бўлиб қолмоқда. Чарм-пойабзал товарларининг бир қатор йўналишлари, жумладан аёлларнинг модель пойабзали ва чарм кийимлари, замонавий чарм буюмлар ва аксессуарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга эътибор қаратилмаяпти.

Соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий услублари ва инновацион ёндашувларига ўқитиш, ишлаб чиқаришда юқори сифатга эришиш учун хорижий мутахассисларни, жумладан технолог ва дизайнерларни жалб этиш ишлари суст ташкил қилинган.

Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини диверсификациялаш ва экспорт қилинадиган товарларни кенгайти-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 майда эълон қилинган.

риш асосида уларнинг жадал ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси аъзоларининг жун тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш, жун ва қоракўлдан буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар иштирокидаги умумий йиғилиши қарорига мувофиқ:

а) «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси унинг таркибига чарм, мўйна хом ашёси ва жун тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш, жун, қоракўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар, шунингдек, бошқа ташкилотлар ихтиёрий равишда кирган ҳолда «Ўзчармсаноат» уюшмаси (кейинги ўринларда Уюшма деб юритилди) этиб қайта ташкил этилди;

б) Уюшма «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

в) қуйидагилар Уюшма фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

Уюшма аъзолари — ташкилотларнинг хўжалик фаолиятига чорва молларини сўйиш ва тери тайёрлашдан хом ашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйна, қоракўл ва жундан ишланган тайёр маҳсулот ва буюмлар ишлаб чиқаришгача бўлган жараённинг барча босқичларида кўмаклашиш;

корхоналарда илғор технологияларни, халқаро стандартлар талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимини татбиқ этишни рағбатлантириш, Уюшма аъзолари — ташкилотларни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ҳар томонлама кўмаклашиш;

талаби юқори бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқарилган импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ички ва тармоқлараро кооперацияни, жумладан, чарм, мўйна хом ашёси ва жунни чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган ташкилотлар, шунингдек, чорвачилик хўжаликлари, фурнитура ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперацияни ривожлантириш;

чарм-пойабзал, мўйна, қоракўл маҳсулотлари ҳамда жундан ишланган буюмлар сегментларида ички ва ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини тизимли равишда олиб бориш, тармоқларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш, моделлаштириш ва брендлаш бўйича энг янги инновацион ишланмалардан фойдаланган ҳолда хом ашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг замонавий услубларини, шунингдек, илғор ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизимларини кенг жорий этиш;

малакали кадрлар тайёрлаш ва тармоқнинг илмий салоҳиятини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни хом ашё ва материалларнинг экологик тоза турларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқариш, таълим ва фаннинг ўзаро интеграцияси учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

Уюшма аъзолари — ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларда, назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида, шунингдек, судларда ишларни кўришда ҳимоя қилиш.

2. Белгилансинки, Уюшма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси таркибига кирди.

3. Қўйидагилар:

«Ўзчармсаноат» уюшмасининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг бошқарув ходимлари чекланган сони 54 бирликдан иборат ижро этувчи аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

бошқарув ходимларининг чекланган сони 4 бирликдан иборат «Ўзчармсаноат» уюшмаси ҳудудий бўлимининг намунавий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Маълумот учун қабул қилинсинки:

Уюшма раиси зарурат бўлганда Уюшма аъзолари умумий йиғилиши билан келишилган ҳолда ижро этувчи аппарат ва ҳудудий бўлимлар тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқига эга;

Уюшмани сақлаш ва фаолиятини молиялаштириш унинг таркибига кирадиган ташкилотларнинг ихтиёрий ажратмалари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. 2018 йил 1 июндан йирик ва майда шохли моллар, тери, мўйна, қорақўл хом ашёси ва жунни юридик шахсларга сотишда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёزلарни қўллаш учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш бўйича талаб бекор қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 августдан:

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали чармни (ТИФ ТН бўйича 4104 — 4107, 4112 00 000 0 — 4114 кодлари) олиб чиқишга рухсатнома бериш Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги томонидан Давлат божхона қўмитаси ва Уюшма билан келишилган ҳолда нарх экспертизаси ва лаборатория текширувларини ўтказган ҳолда амалга оширилади;

чармни лаборатория текширувларидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази томонидан аккредитация қилинган органлар томонидан амалга оширилади;

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ярим тайёр чармни (ТИФ ТН бўйича 4104, 4105, 41062 кодлари) олиб чиқишга рухсатнома бериш учун экспорт қилинадиган маҳсулот қийматининг 5 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Уюшма Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги билан бирга-ликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига нарх экспертизаси ва лаборатория текширувлари ўтказишни назарда тутган ҳолда Чармни олиб чиқишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин.

6. Уюшма, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг «Ўзчармсаноят» уюшмасининг чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш ва қўйидагиларни унинг асосий манбалари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ярим тайёр чармни (ТИФ ТН бўйича 4104, 4105, 41062 кодлари) олиб чиқишга рухсатнома бериш учун ундириладиган йиғимдан тушадиган барча маблағлар;

Уюшма аъзолари — ташкилотларнинг, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва кредитлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан даромадлари;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари қўйидагилар учун фойдаланилади:

ярим тайёр чармдан — тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ ишлаб чиқариш циклига ихтисослашадиган ташкилотларни кейинчалик қайтариш шарти билан маблағ ажратиш орқали молиявий қўллаб-қувватлаш;

тижорат банкларининг чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйна, қорақўл маҳсулотлари ва жундан ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, фаолият юритаётган корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш учун ажратиладиган кредитлари бўйича кафилликлар бериш;

корхоналарда ISO:9001 сифат менежменти тизимини ва бошқа халқаро стандартларни жорий этиш бўйича тадбирларни молиялаштириш;

кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш, жумладан ёш мутахассисларнинг хорижда ўқиши ва стажировка ўташи билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

Уюшма аъзолари — ташкилотларнинг халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этишдаги харажатларини қоплаш;

Уюшманинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, Уюшма ижро этувчи аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш, Уюшманинг хорижий ваколатхоналарини сақлаш ва хорижий маслаҳатчилар харажатларини қоплаш;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа мақсадлар.

Уюшма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Жамғарма даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин, унда ҳар йили даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқланишини, шунингдек, Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан, ярим тайёр чармни экспорт қилишда ундириладиган йиғим маблағларидан фойдаланиш қисми бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан назорат олиб борилишини назарда тутсин.

8. Белгилансинки, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни ҳисоблашда юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган базаси Жамғармага киритилган ихтиёрий ажратмалар миқдорига камайтирилади.

9. Уюшма аъзолари — ташкилотларга 2023 йил 1 январга қадар муддатда қуйидаги кўринишдаги солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилсин:

фойда солиғи ва мол-мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, Уюшма аъзолари — ташкилотлар томонидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар ва фурнитура учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этиш;

юкоридаги тасдиқланадиган рўйхатларга киритилмаган, ўз ишлаб чиқариши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашни 60 кунга қадар муддатга кечиктириш.

10. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг 9-бандида кўрсатилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар фақат қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

замонавий автоматлаштирилган мажмуалар билан жиҳозланган чорва молларини сўйиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларга;

чарм, мўйна, қоракўл хом ашёси ва жунни йиғиш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга, кейинчалик ушбу хом ашё қайта ишлаш (ишлатиш) учун фақат Уюшма аъзолари — ташкилотларга сотилганида ҳамда ялпи тушумнинг умумий ҳажмида ушбу турдаги фаолиятдан тушган тушумнинг улуши ҳисобот даври натижалари бўйича камида 80 фоизни ташкил қилганда;

чарм, мўйна, қоракўл хом ашёси ва жунни қайта ишлаш, шунингдек,

бутловчи буюмлар, фурнитура, сунъий чарм, чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қоракўл маҳсулотлари ва жундан ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширадиган ташкилотларга, агар ялпи тушумнинг умумий ҳажмида ушбу турдаги фаолиятдан тушган тушумнинг улуши ҳисобот даври натижалари бўйича камида 60 фоизни ташкил қилса.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Уюшма ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллаш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

11. Уюшма аъзолари умумий йиғилишининг «Ўзчармимпэкс» унитар корхонасини (кейинги ўринларда — «Ўзчармимпэкс» УК) ташкил этиш ва қуйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

реклама тадбирлари ва кўргазмалар ўтказиш, шунингдек, Уюшма аъзолари — ташкилотларга маркетинг, ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатиш ҳисобига чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қоракўл маҳсулотлари ва жундан ишланган маҳсулотлар экспортини ташкил этиш;

чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қоракўл маҳсулотлари ва жундан ишланган маҳсулотларни комиссия шартномалари бўйича ва хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари асосида, шунингдек, хорижда ташкил этиладиган савдо уйлари орқали экспорт қилиш;

тармоқ ташкилотларига технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар, аксессуарлар, фурнитура, пойабзал қолиплари ва бошқа буюмлар етказишда, жумладан импорт қилишда кўмаклашиш.

«Ўзчармимпэкс» УКга нисбатан мазкур қарорда назарда тутилган, Уюшма аъзолари — ташкилотларга бериладиган имтиёзлар ва преференциялар татиқ этилсин.

12. Уюшма Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур соҳадаги илғор тажрибани ва мақсадли экспорт бозорларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда тайёр чарм-пойабзал, мўйначилик ва қоракўл маҳсулотларини маркировка қилиш тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Тижорат банкларига замонавий автоматлаштирилган мажмуалар билан жиҳозланган чорва молларини сўйиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларга айланма маблағларини тўлдириш, шунингдек, тайёрлов ташкилотларига чарм, мўйна, қоракўл хом ашёси ва жунни йиғиш ва тайёрлаш учун қулай фоиз ставкалари бўйича кредит маблағларини ажратиш тавсия этилсин.

15. Уюшма икки ҳафта муддатда «Чарм ва пойабзал дизайни марка-

зи» шўъба корхонаси фаолиятини танқидий баҳолаш асосида унинг иш самарадорлигини ошириш, энг аввало, мода индустриясидаги ўзгаришларга тез таъсир чораларини кўриш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш, хорижий мода уйлари, мўйначилик аукционлари ва пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қоракўл маҳсулотлари ва жундан ишланган буюмларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган қатор маҳсулот моделлари дизайнини яхшилаш ва турларини кенгайтириш учун хорижий модельерлар, дизайнерлар ва фэшн-экспертларни жалб этиш масалалари бўйича аниқ чоралар кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Уюшманинг буюртмалари бўйича Уюшма таклиф этаётган хорижий мутахассислар ва кўргазмаларнинг хорижий иштирокчиларига кириш визалари консуллик йиғимлари ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин, ҳақиқий харажатларни қоплаш йиғимлари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Уюшманинг буюртмалари бўйича Уюшмага жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари расмийлаштирилиши, берилиши ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, вақтинча прописка қилиниши, турган жойи бўйича ҳисобга олинниши ва уларнинг узайтирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Уюшманинг буюртмалари бўйича Уюшмага юклатилган вазифаларни бажариш учун республикага юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этишга рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, жалб қилинаётган хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

17. Уюшма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти тузилмасида Чарм-пойабзал соҳаси муҳандис-техник ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув марказини ташкил этиш;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Чарм ва мўйнадан ишланган маҳсулотлар технологияси ва уларни яратиш», «Технологиялар ва ускуналар: чарм ва мўйна, қоракўл», «Технологиялар ва ускуналар: пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари» таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш;

чарм-пойабзал, мўйначилик, қоракўлчилик тармоқлари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича мавжуд касб-хунар коллежларини қайта ихтисослаштириш ва янги йўналишларни очиш орқали ҳудудий ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларини ташкил қилиш;

ўқувчиларнинг ўқиш мобайнида олинган амалий ва назарий билимла-

рини мустаҳкамлаш учун ўқув амалиёти дастурларига мувофиқ Уюшма аъзолари — ташкилотларда мажбурий стажировка ўташ амалиётини жорий этиш;

таълим муассасаларида соҳанинг юқори малакали мутахассислари томонидан махсус фанлар ҳамда чарм-пойабзал ва мўйначилик тармоқларининг долзарб масалалари бўйича машғулотлар ўтказишни, маърузалар ўқишни (жумладан соатбай тўлов шартларида) жорий этиш юзасидан таклифлар киритсин.

18. Уюшма Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 3 май,
ПҚ-3693-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**364 Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизнинг банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар тижорат банкларининг ликвидлиги ва барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш ҳамда сифатини ошириш имкониятини яратмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки (кейинги ўринларда Халқ банки деб юритилади) аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан фаол иш олиб бориш билан бир қаторда, ҳудудларда чорвачиликни ривожлантириш борасидаги фаолиятини кенгайтирмоқда, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳисобини юритиш, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни жойларга етказиб бериш каби ижтимоий вазифаларни амалга оширмоқда.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда — Микрокредитбанк) фаолияти асосан кичик бизнесни хар томонлама кўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш, хунармандчилик ва бошқа долзарб бизнес-ташаббусларни ривожлантириш учун имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатишга йўналтирилган.

Олиб борилаётган кредит сиёсатида ижтимоий йўналтирилганликнинг устуворлиги сабабли Халқ банки ва Микрокредитбанкнинг рентабеллик даражаси пастлигича қолмоқда, уларнинг кредит портфели етарли даражада диверсификация қилинмаган, бу эса, ўз навбатида, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган янги банк хизматларини жорий этишга тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу банкларнинг филиал тармоқлари мамлакатнинг барча ҳудудларини қамраб олганлигини ҳисобга олиб, улар фаолиятини энг янги ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш орқали самарали ташкил қилиш улар томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва хизматлардан максимал фойдаланиш имкониятини таъминлашнинг зарур шarti ҳисобланади.

Халқ банки ва Микрокредитбанкнинг молиявий ҳолатини яхшилаш ва фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Халқ банки ва Микрокредитбанкни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

аҳоли, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, халқ хунармандчилиги ва амалий санъат субъектларига чакана банк хизматлари кўрсатиш турлари

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 майда эълон қилинган.

рўйхатини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш, томорқа ерларидан, айниқса, қишлоқ жойларида самарали фойдаланишни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

кўрсатилаётган хизматларнинг молиявий барқарорлиги ва жозибadorлигини таъминлаш нуктаи назаридан филиаллар ва бўлинмаларнинг фаолиятини, харажатлар таркиби ва банк хизматларига тариф сиёсатини оптималлаштириш;

банк хизматларининг замонавий инновацион ва мижозларга мўлжалланган турларини жорий этиш;

замонавий талабларга мувофиқ банкларни фаоллаштириш ва тизимли ривожлантириш мақсадида банк бўлинмаларини аҳолига банк хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш соҳасида долзарб вазифаларни самарали ҳал этишга қодир малакали, ташаббускор раҳбарлар ва мутахассислар билан янада тўлдириш, шунингдек, раҳбар ва мутахассисларни уларнинг фаолиятини баҳолашдан келиб чиққан ҳолда рағбатлантириш.

2. Халқ банки ва Микрокредитбанк кузатув кенгашларига ва ижро этувчи органлари раҳбарларига қуйидагилар тавсия этилсин:

бир ой муддатда банкларни молиявий соғломлаштириш бўйича, жумладан уларнинг филиал тармоқлари харажатларини ва штатлар сонини оптималлаштиришни назарда тутган ҳолда комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

банк хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш ва уларнинг турларини кўпайтириш, чакана банк хизматлари, жумладан микромолиявий хизматларни кенгайтириш бўйича зарур чораларни кўриш;

инновацион ривожланишнинг замонавий тенденциялари, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилишини ҳисобга олган ҳолда республиканинг барча ҳудудларида молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

кўрсатилаётган банк хизматларининг самарадорлигини ва зарар кўрмаслик даражасини ошириш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

кредитларни тезкорлик билан тақдим қилишнинг янги механизмларини фаол жорий этиш, мижозлар билан шериклик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувларини қўллашни ҳисобга олган ҳолда кредит учун аризаларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш;

сунъий тўсиқлар яратиш ва ортиқча бюрократия юзага келиши имкониятларига барҳам бериш мақсадида тизимли камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўриш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси қишлоқ жойларда оилавий ва кичик тадбиркорлик, ҳунармандчилик, чорвачилик ва қуён етиштиришни ривожлантиришга ажратиладиган кредитлар бўйича кафилик бериш соҳасида Халқ банки ва Микрокредитбанк билан ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилишини таъминласин.

4. Халқ банки ва Микрокредитбанк бошқарув органлари, шунингдек, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг:

2018-2019 йилларда Халқ банки устав капиталини 1,6 триллион сўмга, шундан республика бюджети маблағлари ҳисобидан 1 триллион сўм ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан эквиваленти 75 миллион АҚШ доллари, жумладан 2018 йилда тегишинча 250 миллиард сўм ва эквиваленти 30 миллион АҚШ доллари микродорида ошириш;

2018-2019 йилларда Микрокредитбанк устав капиталини республика бюджети маблағлари ҳисобидан 600 миллиард сўмга, шундан 2018 йилда — 100 миллиард сўмга ошириш;

жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2016 йил 4 октябрдаги ҳукмига кўра давлат даромадига ўтказилган «UzPaynet» МЧЖ устав фондидаги 37,5 фоиз улушни кейинчалик давлат улушини ошириш ҳисобига Халқ банкига ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бериш;

«UzPaynet» МЧЖни ихтиёрий равишда тугатиш ва жисмоний шахслардан етказиб берувчилар олдидаги ўз пуллик мажбуриятларини бажариш учун тўловлар қабул қилиш хизматларини кўрсатиш бўйича Халқ банкининг таркибий бўлинмасини тузиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

6. Халқ банки ва Микрокредитбанк 2023 йил 1 январга қадар қуйидаги тўловлардан озод этилсин:

барча турдаги солиқлардан, бунда мазкур имтиёзни бериш натижасида бўшайдиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Халқ банки ва Микрокредитбанк устав капиталдаги давлат улушини кўпайтиришга мақсадли йўналтирилсин;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган банк жиҳозлари ва техникаларини олиб кириш учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно).

7. Халқ банки ижтимоий тўловлар олувчиларнинг хоҳишига кўра мазкур тўловларни халқаро тўлов тизими базасида миллий валютада амалга ошириш учун халқаро пластик карталарни муомалага чиқарсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг аҳолига пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар тўлаш учун Халқ банки филиалларига нақд пулни ташиш бўйича бепул хизмат кўрсатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига бир ой муддатда микромолиявий хизматларнинг фоиз ставкаларини Микрокредитбанкнинг мазкур хизматларни кўрсатиш бўйича ҳақиқий харажатларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифлар киритиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуника-

цияларини ривожлантириш вазирлиги инновацион ечимлардан фойдаланиш ҳамда филиаллараро коммуникацияда ахборот хавфсизлиги даражасини сифатли ошириш имкониятини таъминлайдиган оптик толали ахборот-коммуникация тизимини жорий этишда Халқ банки ва Микрокредитбанк учун имтиёзли тарифлар қўлланишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Халқ банки ва Микрокредитбанкнинг ижтимоий рекламали ахборот бепул трансляция қилиниши ҳамда кенг ёритилишини, шунингдек, тижорат фаолияти билан боғлиқ реклама ва тематик лавҳалар учун трансляция қилиш нархидан 50 фоиз миқдорда имтиёз берилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Кузатув кенгашининг янгиланган таркиби иловага мувофиқ маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Халқ банки, Микрокредитбанк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 май,
ПҚ-3694-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 4 майдаги
ПҚ-3694-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат
Халқ банки Кузатув кенгаши
ТАРКИБИ**

- Қўчқоров Ж.А. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари —
молия вазири, Кузатув кенгаши раиси
- Мирзаев М.М. — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг бирин-
чи ўринбосари, Кузатув кенгаши раисининг ўринбосари
- Турсунов Ё.Э. — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори
- Хусанов Н.Ж. — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Молия бозо-
ри ва давлат активларидан даромадлар тушуми устидан
назорат бошқармаси бошлиғи
- Ибрагимов Д.К. — Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жам-
ғармаси Инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш
бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Изоҳ:

Кузатув кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркиби-
га ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегиш-
ли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**365 Жиззах вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш ва мамлакат аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш, бунинг асосида аҳолини, айниқса қишлоқ жойлардаги истиқомат қилаётган аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашдаги муҳим масалани ҳал этиш дастурлари бўйича юртимизда амалга оширилаётган устувор йўналишлардан бири ҳисобланган аҳоли пунктларини марказлаштирилган сув таъминоти билан қамраб олишни кўпайтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларнинг таҳлили ва вазиятни жойларда ўрганиш натижалари мамлакатнинг кўплаб аҳоли пунктларида мазкур масала жиддийлигидан далолат беради, бунга сабаб эса минтақаларда сув таъминотини комплекс ривожлантириш бўйича ўз вақтида қабул қилинмаган чоралар, шаҳар ва туманларда истиқомат қилувчиларнинг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини қондиришдаги йиллаб йиғилиб келган муаммоларни ечишга керакли эътибор мавжуд эмаслигидир.

Ичимлик суви таъминотидаги энг оғир вазият Жиззах вилоятининг қатор аҳоли пунктларида юзага келган. Вилоят аҳоли пунктларининг ярмидан кўпи марказлаштирилган сув таъминоти билан таъминланмаган. Сув олиш иншоотларининг аксарияти ўтган асрнинг 70 — 80 йилларида қурилган ҳамда жуда эскириб кетганлиги оқибатида уларнинг қуввати 3 баробардан кўпга қисқарган.

Зарарсизлантирувчи ускуналарнинг мавжуд эмаслиги натижасида кимёвий ва бактериологик кўрсаткичлар бўйича ичимлик суви юқори даражада ифлосланиши кузатилмоқда, бу эса мазкур ҳудудда эпидемиология вазиятига салбий таъсир кўрсатиб келаяпти, айниқса Жиззах вилоятининг Бахмал, Фаллаорол, Шароф Рашидов, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳрида аҳоли ўртасида ўткир ичак касалликлари ортиб боришига сабаб бўлаяпти.

Аҳоли яшаши учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ва ҳудудни ривожлантириш, Жиззах вилоятининг Бахмал, Фаллаорол, Шароф Рашидов, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳрини марказлаштирилган сув таъминоти билан қамраб олиш мақсадида:

1. Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг:

а) сув олиш иншооти, сув тозалаш станцияси, «Жиззах» сувини тақсимлаш узели, магистрал ва сув қувурлари қурилишини назарда тутувчи

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 майда эълон қилинган.

«Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилоятининг ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — лойиҳа) 2018 — 2020 йилларда амалга ошириш тўғрисидаги;

б) лойиҳани амалга ошириш доирасида:

2018 йилда — Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча даромадлари капитал маблағлари лимити ҳисобидан сув олиш иншооти, сув тозалаш станцияси, сув олиш иншоотидан сув тозалаш иншоотларигача бўлган узунлиги 16 км сув қувурлари ва тозалаш иншоотларидан узунлиги 20 км бўлган магистрал сув қузури қурилиши;

2019-2020 йилларда — марказлаштирилган манбаларнинг капитал маблағлари лимити ҳисобига сув олиш иншооти, сув тозалаш станцияси, «Жиззах» сувни тақсимлаш узели, узунлиги 146 км бўлган магистрал ва сув қувурлари қурилишини молиялаштиришни ташкиллаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг мавжуд бўлган ва лойиҳалаштирилаётган сув олиш иншоотлари ҳамда қудуқларни инobatга олган ҳолда Зарафшон дарёсининг йиллик иш тартиби, сув дебити мавжудлиги ва уни аҳолининг ичиш эҳтиёжлари учун фойдаланишга яроқлилиги тўғрисидаги хулоса маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йилда лойиҳани амалга ошириш учун:

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги «Тоза ичимлик суви» жамғармаси маблағлари;

жорий йилда уларнинг календар жадвалига мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга — 160 млрд сўм миқдоридаги Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча даромадлари ҳисобига капитал маблағларнинг қўшимча лимитини ажратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда буюртмачини, бош лойиҳа ва пудрат ташкилотларини белгилашни, лойиҳани самарали ва сифатли амалга оширишни таъминлаш, шунингдек, лойиҳанинг ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда республикада ишлаб чиқариладиган полиэтилен қувурлари, қурилиш ва ёқилғи-мойлаш материалларини етказиб беришда бир ҳафта муддатда лойиҳа харажатларини оптималлаштириш бўйича тегишли ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

бош лойиҳа, пудрат ва субпудрат ташкилотлари лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларининг бажарилаётган ҳажмлари учун — давлат мақсадли жамғармаларига бўлган барча солиқ ва мажбурий тўловлардан;

буюртмачи, бош лойиҳа ва пудрат ташкилотлари, ишлаб чиқарувчи ва субпудрат ташкилотлари томонидан харид қилинаётган товарлар (ишлар,

хизматлар), жумладан хомашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва ускуналар — қўшимча қиймат солиғидан;

бююртмачи, бош пудрат ва субпудрат ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича товарлар (ишлар, хизматлар), жумладан, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва олиб келинадиган хом ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва ускуналар 2021 йилнинг 1 январигача — божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг лойиҳа доирасида асосланган таклифларини ҳисобга олган ҳолда хом ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва ускуналарни танлаб олиш ҳамда сотиб олиш йўлларини амалга ошириш тартибини, шунингдек, махсус қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун субпудрат ташкилотларини танлаб олиш тартибини белгиласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда қурилиш-монтаж ишларини бажаришда молиялаштириш учун лойиҳани амалга ошириш доирасида марказлаштирилган манбалар ҳисобидан лойиҳани ҳар йили шакллантириладиган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х. Салиев ва Жиззах вилояти ҳокими Э.А. Салиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 май,
ПҚ-3695-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**366 Ички бозорни цемент билан барқарор таъминлаш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакатда аҳоли пунктлари, айниқса қишлоқларнинг қиёфасини яхшилаш, кўп қаватли арзон уй-жойлар, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва республика худудларини ривожлантириш дастурларига киририлган бошқа объектларни қуриш бўйича изчил равишда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатда цемент ишлаб чиқариш ҳажми ва унга нархларнинг шаклланиш механизмлари жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган кенг қўламли инфратузилма лойиҳалари доирасида объектлар қурилишини сифатли ва ўз вақтида яқунлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Цемент ишлаб чиқариш саноатини жадал ривожлантиришни таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва иқтисодиёт тармоқларининг цементга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, ижтимоий ва йўл-транспорт инфратузилма объектлари қурилишини ўз вақтида яқунлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг 2018 йилда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар учун арзон уй-жойларни, ижтимоий соҳа, транспорт инфратузилмаси ва сув хўжалиги объектларини марказлашган манбалар ҳисобидан қуришни амалга оширувчи пудрат ташкилотларига цемент ишлаб чиқарувчи монополист корхоналар томонидан икки миллион тонна ҳажмдаги цементни бир тоннаси учун 367 минг сўм (ҚҚС билан) нархда икки томонлама шартномалар бўйича 100 фоиз олдиндан тўлов асосида сотиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3454-сон қарори билан тасдиқланган Айрим турдаги маҳсулотлар бўйича қўшимча фойда солиғи ставкасида:

а) «Солиқ солинадиган базанинг миқдори (ҚҚС ва акциз солиғисиз)» устунида:

«Цемент**» позициясида «1 тонна учун 145 000 сўмдан юқори» сўзлари «1 тонна учун 280 000*** сўмдан юқори» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Клинкер**» позициясида «1 тонна учун 120 000 сўмдан юқори» сўзлари «1 тонна учун 260 000*** сўмдан юқори» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қўйидаги мазмундаги ҳавола билан тўлдирилсин:

«***») Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биржа савдола-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 майда эълон қилинган.

ридаги нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда, солиқ солинадиган базанинг микдорини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эга».

3. Мазкур қарорнинг 2-банди ҳужжат расмий эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖ бошқаруви раиси Б.К. Зарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 май,
ПҚ-3696-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

367 Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга, фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари мамлакатда фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга тўсқинлик қилувчи, жумладан, қўйидаги қатор тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат беради:

биринчидан, ҳудудларнинг мавжуд ресурс базаси ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда илғор ва замонавий инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартлар ва инновациялар бозорини тизимли таҳлил қилиш йўлга қўйилмаган;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 майда эълон қилинган.

иккинчидан, инновацион лойиҳалар-стартапларга инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасига инновацияларни фаол жорий қилувчи иқтидорли тадбиркорлар фаолиятига кўмаклашиш ва мувофиқлаштириш ишлари лозим даражада амалга оширилмаяпти;

учинчидан, инновацион ривожланиш соҳасида, айниқса, жойларда ишбилармонлик муҳити паст даражада, шунингдек, инновацион ва муваффақиятли технологик лойиҳалар-стартапларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш бўйича зарур кўникмаларга эга тадбиркорларнинг етишмовчилиги сақланиб қолмоқда;

тўртинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг маълумотлар базаси мавжуд эмас, янги ресурсларни яратиш ва тажрибани бизнес-тузилмаларга ўтказиш амалиёти ривожланмасдан қолмоқда;

бешинчидан, инновацион ишланмалар бозорини қўллаб-қувватлаш механизмлари суст даражада ишлаб чиқилган, инновацион ғоялардан самарали фойдаланишни мувофиқлаштириш йўлга қўйилмаган, инновацион ишланмаларнинг сифати эса бозор талабларига жавоб бермайди;

олтинчидан, инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартаплар соҳасига техника олий таълим муассасалари битирувчилари ва иқтидорли ёшларни жалб этишга, шунингдек, бизнес-инкубаторларни яратишга лозим даражада эътибор қаратилмаяпти;

еттинчидан, аҳоли ўртасида инновацион тадбиркорликни оммалаштириш ишлари самарали олиб борилмаяпти, инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишга ва илгари суришга жалб қилишда техник ва психологик тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда фаол тадбиркорликни ривожлантириш, инновациялар бозорининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инновацион ишланмаларни иқтисодийнинг реал секторига илгари суриш учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида инновацион лойиҳалар-стартапларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказларини (кейинги ўринларда марказлар деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, марказлар ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва ташкил этилган пайтдан бошлаб беш йил муддатга барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

2. Қуйидагилар марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: ишлаб чиқариш ва хизматларнинг янги ва замонавий турларини яратиш мақсадида ҳудудларнинг салоҳияти ва ресурс базаларини чуқур тадқиқ қилиш;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида инновацион менежментни ривожлантириш;

янги ва талаб юқори бўлган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш бўйича инновацион лойиҳалар-стартапларни, жумладан, хорижда қўлланиладиган илғор услуб ва технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш;

инновациялар бозорининг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар бозорларини шакллантириш, уларнинг бозор талабларига йўналтирилиши ва мослашиши учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

инвесторлар ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар истеъмолчиларини қидириб топиш ишларини, жумладан, инновацион инфратузилма субъектлари ўртасида кооперацияни ривожлантириш орқали ташкил этиш;

инновацион фаолиятни амалга ошириш масалалари бўйича манфаатдор шахсларнинг кенг доирасига маслаҳат бериш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни оммалаштиришга қаратилган реклама ва кўргазма тадбирларини ташкил этиш;

кўшма инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, стартаплар ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигининг устувор тармоқларидаги бошқа шериклар билан инновацион ҳамкорликни ривожлантириш;

инновацион фаолиятнинг ишлаб чиқилган ва муваффақиятли синовдан ўтказилган натижаларини илгари суриш ва тижоратлаштириш.

3. Марказларни ташкил этишда қуйидагилар давлат-хусусий шерикликнинг асосий шартлари этиб белгилансин:

марказларни ташкил этиш ва уларга тегишли инфратузилмани (транспорт боғламалари, автостанциялар, автобекатлар мавжудлиги ва ҳ. к.) қуриш учун зарур ер участкалари, бўш бинолар хусусий шерикларга ҳақ ундирилмасдан, истисно тариқасида тўғридан-тўғри музокаралар асосида ажратилади;

марказ биноларини қуриш учун ер участкаларини танлаш белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

давлат ва хусусий шериклар тенглик асосида марказларнинг таъсисчилари сифатида иштирок этади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув марказлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб йигирма йил муддатгача тузилади;

марказлар фаолиятининг йўналиши давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув амал қилишининг бутун муддати давомида сақланиб қолади;

марказларнинг интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказишга қилинган харажатларини қоплаш Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

давлат шериги иктисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этишни рағбатлантириш, жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни давлат харидлари доирасида тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтириш бўйича шарт-шароитларни яратишга кўмаклашиш мажбуриятини олади;

давлат ва хусусий шерикларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, давлат-хусусий шерикликнинг бошқа шартлари давлат ва хусусий шериклар ўртасида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгашининг розилиги билан тузиладиган келишувларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ҳаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–5308-сон Фармони билан қуйидагилар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар;

венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар;

илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюрolari ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича;

янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари раҳбарларига уларнинг тармоқ ихтисосликларини ҳисобга олган ҳолда маблағлари марказларнинг тадқиқотлари ва ишланмаларини молиялаштиришга йўналтириладиган, жумладан, уларнинг устав капиталига кириш орқали корпоратив венчур фондларни ташкил қилиш тавсия этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

марказлар учун Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг инновацион лойиҳаларни молиялаштириш умумий ҳажмининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағларини захира қилиш назарда тутилади;

марказларни давлат-хусусий шериклик шартларида ташкил этишда давлат шериги сифатида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, бошқа давлат органлари, корхоналар ва ташкилотлар иштирок этиши мумкин;

хусусий лойиҳаларни танлаб олишнинг асосий мезонлари давлат шериги томонидан белгиланади;

келишув хусусий шериклар ташаббуси билан бекор қилинганда уларнинг марказларни ташкил қилишдаги харажатлари қопланмайди, қурилиши тугалланмаган объект давлат мулкига ўтказилади ва хусусий шерикларни қидириб топиш мазкур қарорга мувофиқ қайтадан ўтказилади;

марказларнинг қурилаётган биноларига барча зарурий ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини, коммунал инфратузилмаларни олиб келиш электр энергияси қисми бўйича — «Ўзбекэнерго» АЖ ҳисобидан, газ таъ-

миноти қисми бўйича — «Ўзтрансгаз» АЖ ҳисобидан, телекоммуникация тармоқлари қисми бўйича — «Ўзбектелеком» АК ҳисобидан, автомобиль йўлларини қуриш қисми бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ҳисобидан, сув таъминоти, канализация ва автостанцияларни қуриш қисми бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан марказларни ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

марказларнинг бинолари фойдаланишга қабул қилинганидан кейин маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қулай транспорт йўналишлари ва йўловчи транспортининг бир маромда ишлашини ташкил этади.

6. Тижорат банклариға марказлар томонидан инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда, жумладан, марказларға ва бошқа тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитларни ажратиш орқали кенг иштирок этиш тавсия қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

икки ой муддатда потенциал инвесторларни қидириб топиш ва улар билан мазкур қарорда белгиланган давлат-хусусий шериклик шартларида марказларни ташкил этиш тўғрисидаги келишувларни тузишни;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда марказларни ташкил этишда қатнашишга жалб қилиш, жумладан, грант ва ҳомийлик маблағларини ажратиш мақсадида халқаро ва хорижий ташкилотлар, молия институтлари вакиллари билан музокаралар ўтказишни;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида марказларға ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, жумладан, давлат харидлари доирасида тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтиришда ҳар томонлама қўмаклашадиган Марказлар ишланмаларини тижоратлаштириш ягона марказини ташкил этиш тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритишни;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига мазкур қарор шартларини қўллаган ҳолда туман (шаҳар)ларда марказларни ташкил қилишга рухсат этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уч ой муддатда давлат ва хусусий шерикларнинг мурожаатлари бўйича марказларни ташкил қилиш учун ер участкалари ёки бўш биноларни, жумладан, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари оптималлаштири-

лиши ҳисобига бўшайдиган биноларни ажратишни таъминласин ёхуд уларни намунали лойиҳалар бўйича қуриладиган давлат хизматлари марказлари биноларида жойлаштиришни назарда тутсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р. Холмурадов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 май,
ПҚ–3697-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

368 Ижтимоий дорихоналар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3532-сон қарорини бажариш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ижтимоий дорихона фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К.В. Акмалов ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 3 май,
334-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 майда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 3 майдаги 334-сон қарорига
ИЛОВА

**Ижтимоий дорихона фаолиятини ташкил этиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ижтимоий дорихона фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

дорихона ассортиментдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар — амбулатория шароитида тиббиёт амалиётида қўллаш мақсадида аҳолига реализация қилиш учун мўлжалланган дори воситалари ва тиббий буюмлар;

ижтимоий дорихона — ўз логотипига эга бўлган, дорихона ассортиментдаги ижтимоий аҳамиятга эга барча дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган бошқа дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана реализацияси билан шуғулланувчи, Соғлиқни сақлаш тизимидаги ихтисослаштирилган ташкилот;

давлат-хусусий шериклик — дори воситалари ва тиббий буюмлар, жумладан ижтимоий дори воситалари ва тиббий буюмлар реализациясини амалга оширишда ресурсларни бирлаштириш ва хавфни бартараф этиш, дори воситалари таъминоти бўйича хусусий инвестицияни жалб этиш мақсадида давлат ва хусусий шериклик асосида ўзаро манфаатли маълум муддатга қонуний расмийлаштирилган ҳамкорлик;

давлат томонидан шерик — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

хусусий шерик — фаолиятининг асосий мақсади аҳолини дори воситалари билан таъминлаш ҳисобланган, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана ва улгуржи реализациясини амалга ошириш учун тегишли лицензияга, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган, давлат-хусусий шериклик тўғрисида шартнома тузган юридик шахс;

давлат-хусусий шериклик шартномаси — томонларнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаси ижроси бўйича бошқа шартларни белгиловчи, давлат ва хусусий шериклар ўртасида тузилган ёзма шартнома.

3. Ижтимоий дорихона юридик шахс шаклида ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси (филиал) шаклида ташкил этилади.

4. Ижтимоий дорихонанинг ягона логотипи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

5. Ижтимоий дорихона Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, жумладан давлат-хусусий шериклик шартларига кўра, мазкур Низомга мувофиқ ташкил этилади.

6. Ижтимоий дорихоналар фаолиятини ташкил этишда қўйиладиган асосий талаблар:

а) дори воситалари ва тиббий буюмларнинг улгуржи, чакана реализациясини амалга ошириш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш ва бериш учун лицензиянинг мавжудлиги;

б) аҳолини:

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати-га кирувчи (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади) дори воситалари ва тиббий буюмлар билан чекланган нархлардан ошмайдиган нархларда, дорихона ассортиментидagi дори воситалари ва тиббий буюмлар билан тўлиқ хажмда таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик ҳамкорлиги шартлари асосида чекланган савдо устамаларини қўллаш йўли билан Рўйхатга кирмайдиган, дорихона ассортиментидagi дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;

дори воситалари билан шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда таъминлаш;

дори воситалари ва тиббий буюмлар билан ижтимоий дорихоналарнинг туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари қошидаги оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида жойлашган филиал тармоқлари орқали таъминлаш;

махсус ихтисослаштирилган автотранспорт воситалари орқали қишлоқ врачлик пунктлари мавжуд бўлмаган тоғли, етиб бориш қийин ҳудудлардаги аҳолига дори воситалари ва тиббий буюмларни етказиб беришни таъминлаш;

в) дорихона ассортиментидagi рўйхатга киритилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг узлуксиз реализациясини амалга ошириш мақсадида уларнинг икки ойлик захираси мавжудлиги.

2-боб. Ижтимоий дорихоналарни жойлаштириш тартиби

7. Ижтимоий дорихоналар дислокацияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

8. Қуйидагилар ижтимоий дорихоналар жойлашишининг асосий омиллари ҳисобланади:

вилоят, туман, шаҳарнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши;

ҳудуднинг географик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари;

шаҳар, туман ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги аҳолининг сони;

амбулатория поликлиникаларида тиббий хизматни ташкил этиш даражаси;

ижтимоий дорихоналарнинг хизмат кўрсатиш радиуси (ижтимоий дорихоналарни тавсия этилган хизмат кўрсатиш радиуси аҳоли сонидан келиб

чиққан ҳолда ҳисобланади, шаҳарларда 2-3 км, қишлоқ ҳудудида 5 — 10 кмдан кўп бўлмаган масофада).

9. Ижтимоий дорихоналар вилоят, туман марказларида, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларида жойлаштирилиши лозим.

3-боб. Ижтимоий дорихоналарнинг вазифалари ва функциялари

10. Ижтимоий дорихоналар ўз фаолиятида амалдаги қонунчиликка ва мазкур Низомга амал қилади.

11. Ижтимоий дорихоналарнинг асосий вазифаси аҳолини Рўйхатга киритилган дорихона ассортиментидagi дори воситалари ва тиббий буюмлар, бошқа турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш, шунингдек, имтиёзга эга айрим тоифадаги шахсларни дори воситалари билан таъминлашдан иборат.

12. Ижтимоий дорихона қўйидаги функцияларни амалга оширади:

дори воситалари ва тиббий буюмларнинг улгуржи реализацияси учун ва дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган таъминотчилардан сотиб олади (олиб киришдан ташқари);

шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рецепт асосида бериладиган дори воситаларини ёки тасдиқланган, рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатига мувофиқ дори воситаларини рецептсиз равишда чакана реализация қилиш, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзга эга айрим тоифадаги шахсларни дори воситалари билан таъминлайди;

белгиланган тартибда дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлайди ва йўқ қилади;

истеъмолчидан келиб тушган шикоятлар асосида аниқланган, дори воситаларининг ноҳўя таъсири ва самарадорлиги паст ҳолатлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини хабардор қилади;

амбулатория шароитида даволашда имтиёзли бериладиган дори воситалари рўйхатига киритилган, ижтимоий дорихонада амалда мавжуд бўлган ва вақтинча мавжуд бўлмаган дори воситалари ҳақида шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларига ҳар чоракда маълумот тақдим этади;

аҳолига дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш ва қўллаш бўйича маслаҳат бериш ва ахборот ёрдами кўрсатади;

аҳолига дори воситалари ва тиббий буюмларнинг мавжудлиги тўғрисида ахборот бериш имконини таъминловчи, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ижтимоий дорихоналар тармоғи бўйича ҳаракатланишининг электрон шаклдаги ҳисоб-китобини юритади;

ижтимоий дорихонага ташриф буюрувчилар учун белгиланган тартибда тасдиқланган чекланган нархлар кўрсатилган дори воситалари ассортиментини рўйхатини кўринарли жойда жойлаштиради;

шифокор рецепти асосида дори воситаларини тайёрлайди ва ички сифат назоратини ўтказиши (тегишли лицензияси мавжуд бўлганда).

13. Ижтимоий дорихоналарда товар-моддий бойликларни инвентаризация ва таъмирлаш ишларини ўтказиш учун ёпиш давлат томонидан, шерик билан келишилган ҳолда, санитария кунларини ўтказиш учун эса — қўшимча равишда Давлат санитария назорати органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

4-боб. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ижтимоий дорихонани ташкил этиш

14. Хусусий шериклик учун номзодни танлаш қўйидагиларга асосан амалга оширилади:

дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана реализацияси учун лицензиянинг мавжудлиги;

дислокацияга киритилган барча тармоқ филиалларини тўла ҳажмда товарлар билан таъминлаш учун тегишли моддий-техник базанинг, товар захирасининг ва айланма воситаларининг мавжудлиги;

аҳолини, шунингдек имтиёзга эга айрим тоифадаги шахсларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг алоҳида ҳисоб-китобини олиб бориш имконини берувчи дастурнинг мавжудлиги;

қишлоқ врачлик пунктлари мавжуд бўлмаган, шунингдек, тоғли регионлар ва чекка ҳудудларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш учун махсус ихтисослаштирилган автомобилнинг мавжудлиги.

15. Ижтимоий дорихоналар фаолиятини амалга ошириш мақсадида хусусий шериклик учун номзод танлаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат-хусусий шериклик номзодини танлаш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

16. Комиссия таркиби, унинг ишчи органи ва фаолият регламенти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

17. Хусусий шерик номзодини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтига ўз аризасини жойлаштирилади, аризада қўйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли;

юридик манзили;

банк реквизитлари;

дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана реализацияси учун берилган лицензиянинг рўйхат рақами;

дори воситалари ва тиббий буюмлар, товар захираси ва айланма воситалар, улар тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг алоҳида ҳисоб-китобини олиб бориш имконини берувчи дастурни ўз ичига олувчи моддий-техник база ҳақидаги маълумот.

18. Маълумотларнинг ишончилиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқ-

ни сақлаш вазирлиги томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик ёрдамида текширилади.

19. Комиссия ариза қабул қилинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида номзодга Комиссия мажлисининг ўтказиладиган жойи ва вақти тўғрисида хабар беради.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномани имзолаш учун номзод ўзининг номзодини кўриб чиқишда Комиссия йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга.

20. Комиссия аризани ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади ва давлат-хусусий шериклик тўғрисида шартнома тузиш ёки уни тузишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Комиссия қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида қабул қилинган қарор тўғрисида номзодни хабардор қилади.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисида шартнома тузишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда номзодга асослантирилган рад этиш тўғрисидаги хабарнома юборилади.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома тузишни рад этиш ҳақидаги Комиссия қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

21. Давлат-хусусий шериклик тўғрисида шартнома тузиш бўйича Комиссиянинг қарори давлат томонидан шерикка кейинги иш кунидан кечикмай тақдим этилади.

Давлат ҳамкори уч кун муддатда номзодга ушбу низомнинг иловасига* мувофиқ шаклдаги давлат-хусусий шериклик шартномаси лойиҳасини юборади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

22. Ушбу низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

23. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча ижтимоий дорихоналар фаолиятининг ва мазкур Низом талабларига риоя қилинишининг назорати дори воситалари ва тиббий буюмлар чакана реализациясини лицензияловчи ҳудудий органга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юкланади.

24. Ижтимоий дорихонада дори воситалари ва тиббий буюмларнинг нархларини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жинойт даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**369 «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»-
ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини
амалга оширишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат-
ларни тасдиқлаш тўғрисида***

«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш, шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш сифатини ошириш, уларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Давлат қўриқхоналари тўғрисидаги низом 1-иловага** мувофиқ;

Табиат боғи тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага** мувофиқ;

Давлат табиат ёдгорликлари тўғрисидаги низом 3-иловага** мувофиқ;

Юридик шахс ташкил этган ҳолда давлат (хусусий) буюртма қўриқхонаси тўғрисидаги намунавий низом 4-иловага** мувофиқ;

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда давлат (хусусий) буюртма қўриқхонаси тўғрисидаги намунавий низом 5-иловага** мувофиқ;

Юридик шахс ташкил этган ҳолда давлат (хусусий) табиий питомниги тўғрисидаги намунавий низом 6-иловага** мувофиқ;

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда давлат (хусусий) табиий питомниги тўғрисидаги намунавий низом 7-иловага** мувофиқ;

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини таъминлаш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 8-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар:

давлат қўриқхоналарида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш тартиби, давлат қўриқхоналаридаги эталон экотизимларда табиий жараёнлар кечиши мониторингини юритиш тартиби, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

давлат қўриқхоналарининг илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш даражасини таҳлил қилиш ва уни янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 майда эълон қилинган.

** 1 — 8-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да берилган.

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг таъсис ҳужжатлари ва бошқариш режаларини уч ой муддатда мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин;

2018 йил 1 сентябргача бўлган муддатда давлат қўриқхоналари фаолиятининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини, жумладан, бошқарув самарадорлиги, муҳофаза этиладиган объектлар ва комплекслар майдони, жойлашуви, қўриқланма зоналарида экотуризм салоҳияти, истиқболлари ва бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштиришни танқидий таҳлил қилсин ва таҳлил натижалари асосида давлат қўриқхоналари тизими, уларнинг таркиби, жойлашуви ва бошқарувини яхшилашга доир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин, шунингдек, идоровий мансуб муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда кадрлар салоҳиятини кучайтириш чораларини кўрсин;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар фаолияти устидан назоратни кучайтирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 май,
339-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

370 «Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1598-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 февраль,
7/15-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
24 февралдаги 7/15-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 14 июлдаги 16/7-сон «Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1598, 2006 йил 21 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 287-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 12 апрелдаги 9/2-сон «Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1598-1, 2008 йил 23 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 17-сон, 142-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 18 январдаги 1/2-сон «Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1598-2, 2009 йил 28 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 5-сон, 48-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

372 Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПКҚ–3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 февраль,
7/14-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
24 февралдаги 7/14-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳудудларда нақд пулларнинг захирасини шакллантириш ҳамда муомалага чиқарилмаган нақд пулларни сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича Бош бошқармаларида (бундан буён матнда Бош бошқармалар деб юритилади) захира жамғармаларини ташкил этади.

2. Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари (бундан буён матнда банклар деб юритилади) мижозларнинг нақд пулларга бўлган талабини ўз вақтида қондириш учун мажбурий тартибда айланма кассаларини, шунингдек нақд пуллар захирасини ташкил этадилар.

3. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
нақд пуллар — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан муомалага киритилган банкнотлар ва тангалар;

нақд пул муомаласи — товар ва хизматлар учун, шунингдек аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар ва банклар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишда банкнот ва танга кўринишида нақд пулларнинг узлуксиз ҳаракати;

минимал лимит — банкларда нақд пул захираси қолдиғининг қуйи чегараси бўйича белгиланадиган меъёр;

максимал лимит — Бош бошқармалар Ҳисоб-китоб касса марказлари (бундан буён матнда ХҚКМ деб юритилади) ҳамда банклар айланма кассаларида кун охирида қолиши мумкин бўлган нақд пул қолдиғининг энг юқори чегарасини белгилайдиган меъёр;

нақд пулларнинг захира жамғармаси — тегишли ҳудуддаги банкларни етарли миқдорда нақд пуллар билан таъминлаш мақсадида Бош бошқармаларда ташкил этилган банкнотлар ва тангаларнинг захираси;

нақд пул захираси — аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган талабларини ўз вақтида ва тўлиқ қондирилишини таъминлаш мақсадида банкларда ташкил этилган банкнот ва тангаларнинг захираси;

нақд пуллар кирими — банк кассаларига банкнот ва танга кўринишидаги нақд пулларнинг тегишли ҳужжатлар асосида қабул қилиниши;

нақд пуллар чиқими — банк кассаларидан банкнот ва танга кўринишидаги нақд пулларнинг тегишли ҳужжатлар асосида чиқим қилиниши;

мадад пуллари — банкларнинг айланма кассаларини Бош бошқармаларнинг ХККМ айланма кассаларидаги, зарур ҳолларда захира жамғармаларидаги нақд пуллар ҳисобидан таъминлаш;

касса рамзлари — банк кассалари орқали нақд пулларнинг кирим манбалари ва чиқими мақсадлари бўйича таҳлил қилиш, шунингдек банклараро нақд пуллар ҳаракатини акс эттиришда фойдаланиладиган рамзлар тўплами.

2-боб. Нақд пул муомаласини ташкил этиш

4. Банклар нақд пул муомаласининг ҳолатини мунтазам равишда ўрганадилар ва таҳлил қиладилар, шунингдек аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган талаблари ўз вақтида қондирилишини таъминлайдилар.

5. Банклар:

банк кассаларида амалга оширилган нақд пулларнинг кирим ва чиқим амалиётларини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган касса рамзларидан фойдаланадилар;

банк кассаларига кирим қилинган нақд пулларни филиаллар, мижозлар ва кирим манбалари бўйича доимий равишда мониторинг қилиб борадилар;

нақд пуллар захирасини ташкил этадилар ва зарур бўлганда улардан фойдаланадилар;

мижозларнинг нақд пулга бўлган талабларини амалга ошириш учун банк кассаларида нақд пулларнинг етарли миқдорда бўлишини таъминлаш чораларини кўрадилар.

6. Хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумларини банкка топшириш тартиби ва муддатини ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун нақд пулларни банк кассасидан олиш муддатини, шунингдек ўз кассасида кун охирида қолиши мумкин бўлган нақд пул қолдиғига лимитни белгилаш бўйича ҳар йилнинг январь ойи мобайнида, янги ҳисобварақ очган мижозлар кейинги ойдан кечикмасдан, мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasидаги ҳисоб-китоб маълумотномасини икки нусхада тўлдирган ҳолда хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этадилар.

Банк томонидан ушбу ҳисоб-китоб маълумотномаси хўжалик юритувчи субъект раҳбари билан биргаликда келишилган ҳолда тўлдирилгандан сўнг

банк муҳри босилиб, ушбу маълумотноманинг бир нусхаси хўжалик юритувчи субъектга қайтарилади ва иккинчи нусхаси банкнинг нақд пул муомаласи бўлими (масъул ходим)да ҳар йил учун алоҳида тарзда йиғиб борилади.

Мазкур ҳисоб-китоб маълумотномасининг алмашилиши хўжалик юритувчи субъект ва банк ўртасида электрон шаклда амалга оширилиши ҳам мумкин.

7. Банклар нақд пул муомаласининг ҳолатини ҳамда бу ҳолатни тавсифловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида нақд пулларнинг банк кассаларига келиб тушиши, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган талабларини ўз вақтида қондиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқишлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритишлари мумкин.

8. Бош бошқармалар зиммасига тегишли ҳудудда нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш ҳамда банкларнинг бу борадаги фаолиятини мониторинг қилган ҳолда мувофиқлаштириш ва тартибга солиш вазифаси юклатилади.

9. Бош бошқармалар:

тегишли ҳудудда нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этадилар ва унинг самарали тарзда амалга оширилишини таъминлайдилар;

тегишли ҳудудда нақд пул муомаласининг ҳолатини ўрганадилар, банкларнинг касса айланмаларини, шунингдек нақд пул муомаласининг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни жамлайдилар ва таҳлил қиладилар, нақд пул муомаласини тартибга солишга ва банкларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берадилар;

зарур ҳолларда нақд пулларнинг банк кассаларига келиб тушиши ва нақд пулдаги тўловларнинг белгиланган муддатларда тўланиши бўйича асосланган таклифларни тայёрлаб, маҳаллий давлат бошқаруви органлари муҳокамасига киритадилар;

тегишли ҳудуддаги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган талаби ўз вақтида қондирилишини таъминлаш мақсадида банклар ўртасида нақд пулларни қайта тақсимлайдилар.

3-боб. Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар айланма кассаларига ва нақд пуллар захирасига ҳамда Бош бошқармаларнинг ХҚКМ айланма кассаларига ва нақд пулларнинг захира жамғармаларига нақд пуллар қолдиқлари бўйича лимитлар белгиланиши шарт.

11. Банклар айланма кассаларидаги нақд пуллар қолдиғининг максимал лимитлари ва нақд пуллар захирасининг минимал лимитлари — Бош бошқармалар томонидан банклар билан биргаликда ўрнатилади ва заруриятга кўра ўзгартирилиши мумкин.

Айланма кассадаги нақд пуллар қолдиғига максимал лимит — кун охирида банк айланма кассасида қолиши мумкин бўлган нақд пул қолдиғи суммасига нисбатан кейинги иш куни эрталаб ўз фаолиятини белгиланган тартибда давом эттиришлари учун зарур бўлган миқдорда ўрнатилади.

Нақд пулларнинг захираси бўйича минимал лимит мижозларнинг нақд пул маблағларига бўлган икки кунлик эҳтиёжлари доирасида ўрнатилади.

Бош бошқармалар ва банклар белгиланган нақд пул захираларининг энг кам миқдорини иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда, мутаносиб равишда ўзгартириб боради.

12. Бош бошқармалар ҲҚКМ айланма кассаларидаги нақд пуллар қолдиғига ва нақд пуллар захира жамғармаларига лимитлар — Марказий банк томонидан, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари инobatга олинган ҳолда белгиланади ва лозим бўлган тақдирда ўзгартирилади.

13. Кун охирига айланма кассада қолаётган нақд пуллар қолдиқ суммаси — банк айланма кассаси қолдиғига ўрнатилган лимитдан ошмаслиги лозим.

Банклар айланма кассалари учун белгиланган лимитдан ортиқча пуллар, нақд пуллар захирасига, ҲҚКМ айланма кассасидаги лимитдан ортиқча пуллар эса нақд пуллар захира фондига шу куни ўтказилиши шарт.

14. Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар ўрнатиш, уларни ўзгартириш ва унга риоя этилишига доир барча ёзишма, топшириқ ва кўрсатмалар фақат «Хизмат доирасида фойдаланиш учун» устхати қўйилган ҳолда ва ушбу ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

15. Банк кассаларидаги нақд пуллар қолдиқларига белгиланган лимитларга риоя этилиши Марказий банкнинг Нақд пул муомаласини ташкил этиш департаменти ва Бош бошқармалар томонидан баланс маълумотлари асосида мониторинг қилиб борилади.

16. Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига ўрнатилган лимитларга доир маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва улардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонуни талабларига қатъий амал қилиниши лозим.

4-боб. Хўжалик юритувчи субъект кассасидаги нақд пуллар қолдиғига лимит ўрнатиш ва нақд пул тушумларини банк кассаларига топшириш

17. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз кассаларида кассадаги нақд пул қолдиқлари лимити доирасида нақд пулларга эга бўлишлари мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар кассасидаги нақд пуллар қолдиғига лимит ўрнатиш тартиби фақат банкларда ўзининг алоҳида депозит ҳисобварағига, шунингдек кассасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга тааллуқлидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар кассасидаги нақд пуллар қолдиғига ли-

мит ҳар йили миқдорнинг банкка тақдим этган маъмуриятнинг 1-илоҳидаги ҳисоб-китоб маълумотномасига асосан банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар билан келишилган ҳолда, нақд пул айланмаси ва уларнинг ишлаш шароитини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади.

18. Хўжалик юритувчи субъектлар кассасидаги нақд пуллар қолдигига лимитлар қуйидаги тартибда белгиланади:

доимий нақд пул тушумига эга ва тушум пулларини ҳар иш куни охирида банкка топшириши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун — кейинги иш куни эрталаб ўз фаолиятини белгиланган тартибда давом эттиришлари учун зарур бўлган миқдорда (инкассация хизматининг кечки ташрифидан сўнг кассага кирим қилинган нақд пуллар ўрнатилган лимитга киритилмайди);

нақд пул тушумларини кейинги иш кунинда банкка топшириши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун — ўртача бир кунлик нақд пул тушумидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

нақд пул тушумларини бир неча кунда бир марта топшириш ҳуқуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун — бир кунлик ўртача тушум суммаси ва уни банкка топшириши бўйича белгиланган муддатни инобатга олган ҳолда;

доимий нақд пул тушумига эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар учун — ўртача кунлик нақд пул харажатлари доирасида (иш ҳақи, вақтинчалик ишга лаёқатсизлик бўйича нафақа, мукофот пули, стипендия ва бошқа ижтимоий тўловлар учун харажатлардан ташқари).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи ва қайта ишловчи хўжалик юритувчи субъектлар кассаларидаги нақд пуллар қолдигига ўрнатилган лимитга аҳолидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш мақсадида банкдан олинган нақд пуллар киритилмайди.

19. Мустақил балансга ва банкда алоҳида депозит ҳисобварағига эга бўлмаган бўлинмаларни ўз ичига олувчи хўжалик юритувчи субъектлар кассаси қолдигига лимит ўрнатишда ушбу таркибий бўлинмалар кассасидаги қолдиқлар ҳам инобатга олиниши лозим.

Бундай хўжалик юритувчи субъектларга ўрнатилган касса қолдиги лимити унинг таркибий бўлинмаларига ушбу хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғига асосан етказилади.

20. Хўжалик юритувчи субъект жойлашган ҳудуддан ташқарида фаолият юритувчи алоҳида балансга ва депозит ҳисобварағига эга бўлган ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари кассаларидаги нақд пуллар қолдиқларига лимит ушбу таркибий бўлинмаларнинг тегишли депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар томонидан белгиланади.

Хўжалик юритувчи субъектни банкларда бир неча депозит ҳисобварақлари мавжуд бўлган тақдирда, унинг кассасидаги нақд пуллар қолдигига лимит хўжалик юритувчи субъектнинг асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк томонидан ўрнатилади. Шундан сўнг, хўжалик юритувчи субъект кассасидаги нақд пуллар қолдигига лимит

белгиланганлиги тўғрисидаги хабарномани унинг бошқа депозит ҳисобварақлари очилган банкларга жўнатади.

21. Мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasидаги ҳисоб-китоб маълумотномасини банкка тақдим этмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг касса қолдиғи лимити «нолга тенг» ва банкка топширилмаган нақд пуллари «лимитдан ортиқча нақд пуллар» деб ҳисобланади.

22. Зарур ҳолларда хўжалик юритувчи субъект кассасидаги нақд пуллар қолдиғига ўрнатилган лимит суммаси йил давомида қайта кўриб чиқирилиши мумкин. Касса айланмалари суммаси катта бўлмаган, савдо фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлари кассасида кун охирида қоладиган нақд пуллар лимити бундай хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг розилиги билан банк томонидан 2 йилга тасдиқланиши мумкин.

23. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз кассаларида нақд пулларни белгиланган лимитлардан ортиқча миқдорда фақат ўз ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган (нафақа, пенсия, стипендия ва бошқа ижтимоий) тўловларни тўлаш учун банкдан олинган кунни қўшиб ҳисоблаган ҳолда, 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида сақлаш ҳуқуқига эга. Ушбу муддат тугагач, банкдан олинган ва белгиланган мақсад учун ишлатилмаган нақд пуллар банк кассаларига қайтарилиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларга кутилаётган келгуси харажатлар учун белгиланган лимитдан ортиқ нақд пулларни ўз кассаларида йиғиб, тўплаб туришга рухсат этилмайди.

24. Кун охирида хўжалик юритувчи субъектлар кассаларидаги нақд пуллар қолдиғи хизмат кўрсатувчи банк томонидан ўрнатилган лимитдан ошмаслиги лозим. Хўжалик юритувчи субъектлар кассасидаги нақд пуллар қолдиғининг лимитдан ортиқча қисми банклардаги ўз депозит ҳисобварағига кирим қилиш учун топширилиши шарт.

25. Хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумларини банклардаги депозит ҳисобварақларига кирим қилиш учун:

банкнинг айланма кассасига, мини банк кассасига ва махсус кассасига қонунчиликда белгиланган тартибда;

банкка топшириш учун инкассаторларга;

кейинчалик инкассаторлар орқали банкка топшириш учун хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги бирлашган кассаларга топширишлари мумкин.

26. Нақд пул тушумларини топшириш муддатлари ва тартиблари банклар томонидан хўжалик юритувчи субъект раҳбари билан келишилган ҳолда мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasидаги миждознинг ҳисоб-китоб маълумотномаси асосида белгиланади.

27. Банклар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул тушумларининг ўз вақтида топширилишини доимий равишда мониторинг қилиб борадилар.

28. Нақд пул тушумларини инкассация хизмати орқали топширадиган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича ҳар куни инкассация бўлими банкнинг нақд пул муомаласи бўлими (масъул ходим)га нақд пул тушумларини топширмаган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.

29. Банкнинг нақд пул муомаласи бўлими (масъул ходим) нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул тушумларини инкассация хизматига ёки топширишнинг бошқа усуллари орқали банк кассасига топширмаганлигининг сабабини ўрганиб боради.

5-боб. Банк кассаларидан мижозларга нақд пул берилишини ташкил этиш

30. Аҳолига ва барча хўжалик юритувчи субъектларга банк кассаларидан нақд пулларни бериш, уларнинг банкдаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлари доирасида, касса ҳужжатларида кўрсатилган мақсадлар учун амалга оширилади.

Қонунчиликда белгиланган ҳолларда аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг банкдаги ссуда ҳисобварақларидан нақд пуллар берилиши мумкин.

Банклар аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларга нақд пулларни уларнинг биринчи талаби бўйича узлуксиз тарзда чиқим қилиб берилишини таъминлайдилар.

Бунда, банк кассаларидан мижозларга нақд пулларни чиқим қилиш устувор равишда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия, нафақа, стипендия, хизмат сафари харажатлари учун, шунингдек аҳоли омонатларини қайтариш ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш учун амалга оширилади.

31. Хўжалик юритувчи субъектларга, шу жумладан бюджет ташкилотларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган, бошқа ижтимоий тўловлар, стипендиялар учун нақд пулларни, уларнинг жамоа шартномалари ёки бошқа локал меъёрий ҳужжатларига асосан ҳамда хизмат кўрсатувчи банк билан келишилган муддатларда, банк кассаларидан олган ҳолда тўлайдилар.

32. Хўжалик юритувчи субъектларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун банк кассаларидан нақд пулларни бериш муддатларини келишиш вақтида банклар томонидан ойдаги барча кунларга нақд пулларни олувчи мижозларни (улар банк кассасидан оладиган нақд пуллар суммаларини) имкон қадар бир текисда тақсимлаш зарурлиги ҳисобга олиниши лозим.

33. Банклар нақд пуллар захирасини тартибга солиш ҳамда мижозларнинг нақд пулга бўлган талаблари ўз вақтида ва тўлиқ қондирилишига эришиш учун ҳар ойда мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга банк кассаларидан нақд пулларни бериш календари»ни тузадилар.

Календарда хўжалик юритувчи субъектларга нақд пулларни беришнинг келишилган муддатлари ва бериладиган нақд пулларнинг аниқ миқдори ойма-ой қўйиб борилади.

Бунда, ойдаги барча кунлар, шу жумладан иш кунидан ташқари кунлар (дам олиш ва байрам кунлари) бўйича ҳам иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар имкон қадар тенг тақсимлаб чиқилиши лозим.

«Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга банк кассаларидан нақд

пулларни бериш календари»га банк кассасидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун бериладиган нақд пулларнинг барча суммаси киритилади. Календарга хўжалик юритувчи субъектлар ходимларига почта алоқа корхоналари орқали, шунингдек банклардаги жисмоний шахсларнинг омонат ёки банк пластик карта ҳисобварақларига пул маблағларини нақд пулсиз ҳисобкитоблар орқали ўтказиладиган тўловларнинг суммалари киритилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун нақд пуллар банк кассасига нақд пул тушуми ҳолатидан келиб чиқиб календарда белгиланган муддатдан олдин берилиши мумкин.

34. Бош бошқармаларнинг ҲҚКМ қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган миқдорларига нақд пуллар улар билан келишилган муддатда ҳамда тегишли тўлов ҳужжати асосида берилади.

35. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ижтимоий тўловлар, стипендияларни тўлаш муддатлари дам олиш ёки байрам кунларига тўғри келиб қолганида ушбу тўловларни тўлаш учун банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларга бир кун олдин нақд пуллар берилади.

Хўжалик юритувчи субъект ўз ходимлари билан меҳнат шартномасини бекор қилаётганида ёки уларнинг ходимлари меҳнат таътилига чиқаётганида, штатдан (рўйхатдан) ташқари ходимлар билан ҳисоб-китоблар амалга ошириляётганида, шунингдек хизмат сафари учун харажатлар банклар томонидан ушбу хўжалик юритувчи субъектларга нақд пуллар календарда белгилаб қўйилган муддатлардан қатъи назар берилади.

36. Бош бошқармалар тегишли ҳудудда иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар тўланиши аҳволини доимий равишда таҳлил қилиб, банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисобварақларидаги иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар учун зарур бўлган маблағлар доирасида ўз вақтида нақд пул билан таъминланишини мониторинг қилиб борадилар.

37. Амалга оширилган мониторинг натижасида банклар томонидан иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни нақд пуллар билан таъминлашда кечикиш ёки узилишлар мавжудлиги аниқланса, Бош бошқармалар белгиланган тартибда тегишли ҳудуддаги банклар билан биргаликда нақд пулларни қайта тақсимлаш, шунингдек Бош бошқармалардан банкларга мадад пулларини ажратиш чораларини кўрадилар.

6-боб. Бош бошқармалар томонидан банкларни нақд пуллар билан таъминлаш

38. Банклар томонидан нақд пулларни миқдорларга бериш, биринчи навбатда банкларнинг айланма кассасидаги нақд пуллар, шунингдек нақд пуллар захираси ҳисобидан амалга оширилади.

Банклар миқдорларининг нақд пулларга бўлган талабларини ўз кассаларида мавжуд бўлган ва барча манбалардан тушиши кутиляётган тушумлари ҳисобидан қондириш чораларини кўришлари лозим.

Банклар мижозларининг нақд пулларга бўлган талабини қондириш учун ҳар куни нақд пуллар айланмасини, жумладан кассадаги нақд пуллар, шунингдек нақд пуллар захирасининг кун давомида тушиши кутилаётган нақд пул тушумлари нақд пулдаги харажатларни амалга ошириш учун етарлилигини таҳлил қилиб борадилар.

39. Агарда, банк кассасидаги нақд пуллар қолдиғи ва ўзининг кунлик нақд пул тушумлари кун давомида амалга оширилиши лозим бўлган нақд пулдаги чиқимларни қоплашга етарли эмаслиги аниқланса, у ҳолда банк ўз айланма кассасига мадад пулларини олиш учун олдиндан Бош бошқармаларга мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ буюртма беради.

40. Бош бошқармалар:

тегишли ҳудуддаги банклардан мадад пули олиш бўйича келиб тушган буюртмаларни ўрганиб, таҳлил қилиб чиқади;

банк айланма кассасига талаб қилинаётган мадад пуллари суммаси ва айланма кассаларни нақд пуллар билан таъминлашга рухсат беришни ҳисобга олиш учун 4-иловада келтирилган қайдномадан фойдаланилади (ушбу қайднома асосида банкларга мадад пулларини етказиш учун тегишли фармойиш тайёрланади);

тегишли ҳудуддаги банклар ўртасида нақд пулларни қайта тақсимлаш ёки Бош бошқармалар ХҚКМ айланма кассасидаги нақд пуллар ҳисобидан тижорат банкларининг нақд пулга бўлган талабларини қондириш бўйича тезкор чораларни кўради.

41. Банклар айланма кассаларини нақд пуллар билан таъминлаш банкларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар доирасида, зарур ҳолларда Бош бошқармаларнинг ХҚКМ захира жамғармаларидаги нақд пуллардан фойдаланган ҳолда, чекланмаган миқдорда амалга оширилади.

42. Бош бошқармалар ўзининг ХҚКМдаги айланма кассасини зарур ҳолларда Марказий банкнинг захира жамғармасидаги нақд пуллар билан тўлдиришга рухсат сўраб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига махсус дастур орқали телеграмма билан буюртма беради.

Мазкур телеграмма Бош бошқарма бошлиғи томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Нақд пул муомаласини ташкил этиш департаментига юборилади.

Бош бошқармаларнинг ХҚКМ айланма кассасини Марказий банкнинг захира жамғармасидаги нақд пуллар билан таъминлашга рухсат берилишини сўраб жўнатилган телеграммада қуйидагилар кўрсатилади:

дастлабки учта белги Бош бошқарманинг айланма кассасига нақд пул бериш ҳақида охириги марта олинган рухсатнома рақамининг охириги учта рақамига, охириги иккита рақами эса телеграмманинг тартиб рақамига мувофиқ бешта белгидан иборат назорат рақами (телеграммаларга ҳар йили янгиланадиган тартиб рақамлари қўйилади);

айланма кассани захира жамғармасидаги нақд пуллар билан таъминлашга рухсат сўраб берилган буюртма (кодли сўз билан);

айланма кассани таъминлаш учун зарур бўлган нақд пул суммаси (кодли сўз билан).

43. Бош бошқармаларнинг ҲККМ айланма кассасини нақд пуллар билан таъминлашга рухсат сўраш тегишли ҳудуддаги тижорат банкларидан келиб тушган буюртмалар ҳам ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

44. Бош бошқармаларнинг ҲККМ айланма кассасини Марказий банкнинг захира жамғармасидаги нақд пул билан таъминлаш бўйича рухсатнома буйруқ асосида Марказий банкнинг захира жамғармаларини тасарруф этиш ваколати берилган Марказий банк Раисининг ўринбосари томонидан имзоланади ва махсус дастур орқали юборилади.

45. Бош бошқармаларнинг ҲККМ айланма кассасидан банкларнинг айланма кассаларига мадад пулларини етказиб бериш, Бош бошқармалар фармойишига асосан, инкассация хизмати томонидан амалга оширилади.

46. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Нақд пул муомаласини ташкил этиш департаменти Бош бошқармаларнинг ҲККМ айланма кассасини мадад пуллари билан таъминлаш бўйича олинган буюртмалар ва берилган рухсатномалар ҳисоб-китобларини юритадилар.

Бош бошқармаларнинг ҲККМ айланма кассасини нақд пуллар билан таъминлаш учун сўралаётган буюртмалар ва берилаётган рухсатномалар ҳисобини юритиш учун мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ қайд-номадан фойдаланилади.

7-боб. Бош бошқармалар томонидан тегишли ҳудуддаги банклар ўртасида нақд пулларни қайта тақсимлаш

47. Тегишли ҳудуддаги банкларнинг нақд пулга бўлган талабларини ўз вақтида қондириш мақсадида нақд пулларнинг банклар ўртасида қайта тақсимланиши Бош бошқармалар томонидан амалга оширилади.

48. Банклар, айланма кассасидаги ва нақд пуллар захирасидаги қолдиқлари, шунингдек кунлик нақд пул тушумлари кун давомида амалга оширилиши лозим бўлган нақд пулдаги чиқимларни қоплашдан ортиб қолган ҳолларда, нақд пулларни 10198 — «Марказий банкка топшириладиган нақд пуллар захираси» ҳисобварағига кирим қилади.

49. Банкларнинг 10198 — «Марказий банкка топшириладиган нақд пуллар захираси» ҳисобварағидаги қолдиқлардан келиб чиққан ҳолда Бош бошқармаларнинг тегишли фармойишларига асосан эҳтиёжидан ортиқча нақд пуллар ҲККМга ёки нақд пул сўраб буюртма берган банкларга жўнатилади.

50. Банклардан нақд пулларни Бош бошқармаларнинг ҲККМ айланма кассасига олиб келиш ёки қайта тақсимлаш ҳисобига бошқа банкларга етказиб бериш Бош бошқармалар фармойишига асосан, инкассация хизмати томонидан амалга оширилади.

8-боб. Якуний қоида

51. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасида банклар
томонидан нақд пул муомаласига доир
ишларни ташкил этиш тўғрисидаги
йўриқномага
1-ИЛОВА

**Ҳисоб-китоб
МАЪЛУМОТНОМАСИ**

20__ йил учун			
Хўжалик юритувчи субъект номи			
Банк номи			
<i>минг сўм</i>			
Кўрсаткич номи	Хўжалик юритувчи субъект томонидан лойиҳалаштирилди		Банк томонидан ўрнатилди*
	20__ йил амалда	20__ йил учун лойиҳа	
I. Касса қолдиғига лимит ўрнатиш тартиби			
1. Ўтган йили банк кассасига топширилган нақд пуллар суммаси			
Шу жумладан:			
1.1. Ўртача бир ойда топширилган сумма (2./12 ойга)			
1.2. Ўртача бир кунда топширилган сумма (2.1./иш кунларига)			
2. Ўтган йил давомида хўжалик юритувчи субъект кассасидан қилинган харажатлар суммаси			
Шу жумладан:			
2.1. Ўртача бир ойлик харажатлар суммаси (3/12 ойга)			
2.2. Ўртача бир кунлик харажатлар суммаси (3.1./иш кунларига)			
3. Хўжалик юритувчи субъект кассасидаги нақд пуллар қолдиқ лимити			
II. Нақд пулларни топшириш тартиби ва муддатлари			
1. Нақд пулдаги тушумларни топшириш тартиби			
2. Нақд пулдаги тушумларни топшириш муддатлари			
III. Нақд пулда тўланадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар			
1. Нақд пулда тўланадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш санаси			
Шу жумладан:			
1.1. Аванс			
1.2. Ойлик			

минг сўм

Кўрсаткич номи	Хўжалик юритувчи субъект томонидан лойиҳалаштирилди		Банк томонидан ўрнатилди*
	20__ йил амалда	20__ йил учун лойиҳа	
1.3. Бошқалар			

* банклар томонидан фақат кассага нақд пуллар қолдиғи лимити, нақд пул тушумини топшириш тартиби, муддати ва нақд пулда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш санаси қатори тўлдирилади.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари	(имзо)	Ф.И.О.
Бош (катта) бухгалтер ёки унинг мажбуриятларини бажарувчи шахс	(имзо)	Ф.И.О.
Банк раҳбари	(имзо)	Ф.И.О.

Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан
нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш
тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга банк кассаларидан нақд пулларни бериш календари
20__ йилнинг _____ ойи учун

(банкнинг номи)

минг сўм.

Талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи рақами	Хўжалик юритувчи субъектнинг номи	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	ҳ. к.	30	Жами ойда
Жами																				

Банк раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.

Ўзбекистон Республикасида банклар
томонидан нақд пул муомаласига доир
ишларни ташкил этиш тўғрисидаги
йўриқномага
3-ИЛОВА

**Айланма кассани нақд пуллар билан таъминлаш учун
БУЮРТМА**

Банк номи ва рақами (МФО)	Нақд пул олиш санаси	Зарур бўлган нақд пул суммаси (млн сўмда)
1	2	3

Банк раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.

Ўзбекистон Республикасида банклар
томонидан нақд пул муомаласига доир
ишларни ташкил этиш тўғрисидаги
йўриқномага
4-ИЛОВА

Банк айланма кассасини ички ҳудудий
мувофиқлаштириш тартибида таъминлашга
рухсат берилсин _____ (млн сўм)

Банк айланма кассасини мадад
пуллари ҳисобига таъминлаш
_____ (млн сўм)

Марказий банкнинг _____ вилояти
(республикаси, шаҳри)

бўйича Бош бошқармаси бошлиғи
_____ (имзо)

_____ вилояти (республикаси, шаҳри) бўйича
банк айланма кассаларини нақд пул билан таъминлаш
ҚАЙДНОМАСИ

20__ йил «__» _____ учун

(млн сўм)

Т/р	Банклар номи	Нақд пул сўраб берилган буюртманинг санаси	Сўралаётган нақд пул суммаси	Нақд пул олишга рухсат берилди	
				ҳисоб-китоб касса марказининг айланма кассаларидаги нақд пуллар ҳисобидан сумма	Марказий банкнинг рухсатига кўра сумма
1	2	3	4	5	6

Нақд пул муомаласини
ташкил этиш бошқармаси бошлиғи

(имзо)

Ф.И.О.

Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан
 нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш
 тўғрисидаги йўриқномага
 5-ИЛОВА

Рухсат берилган мадад пулининг умумий суммаси
 _____ (млн сўм)

Марказий банк Раиси ўринбосари
 _____ имзо

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри
 бўйича Бош бошқармалари Ҳисоб-китоб касса маркази айланма кассасини нақд пул билан таъминлаш
 ҚАЙДНОМАСИ**

20 ____ йил « ____ » _____ учун

(млн сўм)

Т/р	Бош бошқарма номи	Нақд пул сўраб берилган телеграммалар санаси	Сўралаётган нақд пул суммаси	Бош бошқарма томонидан жўнатилган телеграммаларнинг рақами	Нақд пул олишга рухсат берилди		
					калит	суммаси	рухсатнома рақами
1	2	3	4	5	6	7	8

Нақд пул муомаласини ташкил этиш
 департаменти директори

(имзо)

Ф.И.О.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

373 Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2203-6

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 2 февралдаги 5, 4, 2011-4-сон қарори (рўйхат рақами 2203, 2011 йил 3 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 9-сон, 93-модда) билан тасдиқланган Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди қуйидаги мазмундаги «е», «ж» ва «з» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«е) юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тўлаётган юридик шахсларга;

ж) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи нотижорат ташкилотларига;

з) автомобиль транспортида юк ташиш хизматларини кўрсатиш асосий фаолияти ҳисобланган юридик шахсларга.».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 апрель,
83-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 майда эълон қилинган.

Иқтисодиёт вазири**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 19 апрель,
13-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси****Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 19 апрель,
2018-32-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

374 «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, пудрат ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, шунингдек қурилиш материаллари ва ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2792-1

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 16 майдаги 2016-16, 33, 01-02/8-25-сон «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, пудрат ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, шунингдек қурилиш материаллари ва ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2792, 2016 йил

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 майда эълон қилинган.

26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 21-сон, 246-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 апрель,
2018-30-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 апрель,
80-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 апрель,
01-02/8-30-сон

Келишилган:

**«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК
МЧЖ бош директори**

К. ХОШИМБЕКОВ

2018 йил 19 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

375 **Банкларга васийлик қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 570-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1998 йил 9 ноябрдаги 302-сон қарори билан тасдиқланган Банкларга васийлик қилиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 570, 1998 йил 19 декабрь) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 апрель,
14/19-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
14 апрелдаги 14/19-сон қарорига
ИЛОВА

Банкларга васийлик қилиш тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 8-банддаги «Кредит ташкилотларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти» деган сўзлар «Кредит ташкилотлари пруденциал назорати департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 15-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«15. Банкка васий этиб тайинланадиган шахс Тижорат банклари ва

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 майда эълон қилинган.

уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан ўрнатилган малака талабларига (рўйхат рақами 2989, 2018 йил 30 март) мувофиқ бўлиши лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

376 Хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун хунармандчилик маҳсулотлари олиб чиқилишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3004

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сон «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ–3393-сон «Хунарманд» уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун хунармандчилик маҳсулотлари олиб чиқилишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ташқи савдо вазири

Ж. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 апрель,
2018/05-02-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 майда эълон қилинган.

Ташқи ишлар вазири**А. КАМИЛОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 9 апрель,
29-сон

Маданият вазири**Б. САЙФУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 9 апрель,
9-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси****М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 9 апрель,
01-02/12-21-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар
вазирлиги, Маданият вазирлиги, Давлат
божхона қўмитасининг 2018 йил 9 апрелдаги
2018/05-02, 29, 9, 01-02/12-21-сон қарорига
ИЛОВА

**Хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма,
танлов ва ярмаркаларда намоёиш этиш учун ҳунармандчилик
маҳсулотлари олиб чиқилишининг соддалаштирилган
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сон «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намоёиш этиш учун хунармандчилик маҳсулотлари олиб чиқилишининг соддалаштирилган тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Хунарманд» уюшмаси аъзоси ҳисобланувчи хунармандчилик субъектларига (бундан буён матнда хунарманд деб юритилади) нисбатан қўлланилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги

ПҚ–3451-сон «Хорижий давлатларда кўргазма тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган товарларни олиб чиқиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан хунарманд хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун мўлжалланган қиймати 5 000 (беш минг) АҚШ долларигача бўлган хунармандчилик маҳсулотларини экспорт контракти тузмасдан ҳамда божхона юк декларациясини расмийлаштирмасдан олиб чиқиши мумкин.

2-боб. Хунармандчилик маҳсулотларини олиб чиқиш

3. Хунарманд хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун хунармандчилик маҳсулотларини олиб чиқишда «Хунарманд» уюшмаси Бадий кенгашининг (бундан буён матнда Бадий кенгаш деб юритилади) хулосаси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бадий экспертиза бошқармасининг (бундан буён матнда Бадий экспертиза бошқармаси деб юритилади) сертификатини олиши лозим.

4. Хунармандчилик маҳсулотларини хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун олиб чиқишда Бадий кенгашнинг хулосаси (бундан буён матнда хулоса деб юритилади) товарнинг кузатув ҳужжати ҳисобланади.

5. Хунармандлар ўзлари ишлаб чиқарган хунармандчилик маҳсулотларини хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун Бадий кенгашга тақдим этади.

6. Бадий кенгаш хунармандчилик маҳсулотларини бир кун муддатда ўрганиб чиқиб, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сон Фармони билан тасдиқланган Хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, хунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар (иш, хизмат кўрсатиш) турларининг рўйхатидаги маҳсулот турларига мослигини ва таннархини аниқлаб, тегишли хулоса беради.

7. Хулосада олиб чиқиладиган хунармандчилик маҳсулотларининг номи, миқдори, қиймати, режалаштирилган кўргазма, танлов ва ярмаркаларнинг ўтказилиш санаси ва жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

8. Хулосада кўрсатилган маълумотларнинг ишончилиги ва тўғрилиги учун хунарманд ва «Хунарманд» уюшмаси жавобгар ҳисобланади.

9. «Хунарманд» уюшмаси хунармандчилик маҳсулотларини бадий экспертизадан ўтказиш ва тегишли сертификат расмийлаштириш учун ҳужжатларни Бадий экспертиза бошқармасига тақдим этади.

10. Қиймати 5 000 (беш минг) АҚШ долларидан юқори бўлган хунармандчилик маҳсулотларини божхона расмийлаштируви умумий тартибда амалга оширилади.

11. Хунарманд хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этиш учун олиб чиқиладиган хунармандчилик маҳсулотларини сотишдан тушадиган маблағларни Ўзбекистон Республикаси тижо-

рат банкларидаги ўз ҳисобрақамларига, шу жумладан банк ўтказмалари, шунингдек, хорижий валютадаги нақд пул шаклида киритиш ҳуқуқига эга

12. Ҳунармандлар мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатиб ўтилган маблағларни эркин тасарруф этиш, шу жумладан банк ҳисоб рақамларидан нақд пул шаклида олишлари мумкин.

3-боб. Хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда ҳунармандчилик маҳсулотларини намойиш этиш учун кўмаклашиш

13. «Ҳунарманд» уюшмаси ҳунармандга улар томонидан ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик маҳсулотларини хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун олиб чиқиши ва мазкур тадбирларда қатнашишида ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, шунингдек зарурий ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳамда вужудга келадиган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда кўмаклашади.

14. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда «Ҳунарманд» уюшмасининг хорижий мамлакатлардаги ҳунармандчилик йўналишида фаолият олиб борувчи ташкилотлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, ҳунармандчилик субъектларининг хорижга амалий ташрифларини ташкил этиш, республика ва хорижда ҳунармандчилик билан боғлиқ анжуман, савдо-кўргазма ва ярмаркаларни ўтказишда кўмаклашади.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳунармандга хорижга чиқиш ва кириш масаласида ўз ваколати доирасида амалий ёрдам кўрсатилиши таъминланади. Шунингдек, «Ҳунарманд» уюшмасига элчихоналар ва бошқа хорижий ваколатхоналар билан ҳунармандчилик йўналиши бўйича алоқаларнинг амалга оширилишида кўмаклашади.

16. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳунармандга белгиланган нормадан ортиқ бўлган юклари (ҳунармандчилик маҳсулотлари) учун амалга ошириладиган тўловларда 25 (йигирма беш) фоиз махсус чегирмалар берилишини таъминлайди.

4-боб. Яқуний қоида

17. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюшмаси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК билан келишилган.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2018 йил 9 апрель

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 9 апрель

*«Хунарманд»
уюшмаси раиси*

У. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 9 апрель

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
МАК бош директори в. б.*

Б. ХАКИМОВ

2018 йил 9 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

377 Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйи-
ладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш-
лар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ–3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2018 йил 23 мартдаги ПҚ–3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда 429-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 905, 2000 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари,

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 майда эълон қилинган.

давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотнома-си, 2000 й., 5-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритил-син.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 апрель,
14/21-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
14 апрелдаги 14/21-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Қуйидаги мазмундаги 1.6-банд билан тўлдирилсин:

«1.6. Кредит сиёсати кредит (микроқарз) бериш тўғрисида қарор қабул қилишнинг босқичма-босқич жараёнини ва кредит (микроқарз) бериш тўғри-сида хабардор қилиш ёки уни беришни асослантирилган ҳолда рад этиш тартибини кўрсатган ҳолда кредит буюртмаларини шаффофлик асосида рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш тартибини ўз ичига олиши керак.».

2. 2.2-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2.2. Ваколатлар даражаси ва масъулиятни тақсимлаш

Кредит сиёсатида кредит ажратишда филиаллар томонидан мустақил қарорлар қабул қилишда кредитлашнинг лимитларини белгилаш меъзонла-рини кўрсатган ҳолда бош банк ва унинг филиаллари ўртасида жавобгар-ликнинг аниқ чегаралари акс эттирилиши лозим.

Кредитлаш учун масъул бўлган барча шахслар ваколатлари кредит сиё-сатида қайд этилиши лозим.

Кредит қўмитаси мажлислари ва унинг банк бошқаруви органлари ол-дида ҳисобот бериши даврийлиги ҳам кредит сиёсатида белгилаб қўйилиши керак.».

3. 2.4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2.4. Кредитларнинг тўпланиши

Кредит сиёсати кредитлар ва микроқарзларнинг тўпланиши даражаси,

шу жумладан кредит турлари, иқтисодиёт тармоқлари, географик ҳудудлар ва бошқалар бўйича тўпланиши даражаси мониторинги бўйича талабларни ўз ичига олиши зарур. Кредит сиёсатида раҳбариятга мунтазам равишда топшириладиган тегишли ҳисоботларни тайёрлашга доир талаблар белгиланиши лозим.»

4. 2.9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.9. Фоиз ставкалари

Кредит сиёсати «кредитнинг тўлиқ қиймати» тушунчасини, шу жумладан кредит олиш ва хизмат кўрсатиш (қайтариш) билан боғлиқ бўлган барча тўловлар тўғрисидаги шартлар бўйича тўлиқ маълумотни ўз ичига олиши зарур. Бунда, шу жумладан, ресурслар қиймати, кредит бўйича хизмат кўрсатишга доир кутилаётган харажатлар, воситачилик ҳақи, маъмурий сарфлар, эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ва банк маржаси баҳоланиши зарур. Ушбу шартлар кредит шартномасида ҳам акс эттирилиши лозим.

Кредит сиёсати қуйидаги тақиқларни назарда тутиши шарт:

микроқарз шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорда фоизлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (штраф, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар (микроқарзлар) муддатидан илгари сўндирилганлиги учун неустойка ундириш.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

378 Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 573-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 426-сон билан тасдиқланган Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 573, 1998 йил 19 декабрь) иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

Марказий банки раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 апрель,
14/20-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
14 апрелдаги 14/20-сон қарорига
ИЛОВА

**Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини,
банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган
ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби
тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1.4-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Уставга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун банк акциядорлар умумий йиғилиши тегишли қарор қабул қилган кундан бошлаб бир ой мобайнида Марказий банкнинг Кредит ташкилотлари пруденциал назорати департаментига (кейинги ўринларда — Пруденциал назорати департаменти) қуйидаги ҳужжатларни уч нусхада тақдим этади:».

2. 1.5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.5. Тақдим этилган ҳужжатлар қонунчилик ва мазкур Низом талабларига мос келган ҳолларда Пруденциал назорати департаменти Банк назорати қўмитасига (кейинги ўринларда — Қўмита) банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун киритади, акс ҳолда ҳужжатлар банкка қайта ишлаш учун қайтарилади.

Уставга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни кўриб чиқиш ва рўйхатга олиш 30 кун муддат ичида амалга оширилади.».

3. 1.6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.6. Қўмита томонидан банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин Пруденциал назорати департаменти томонидан банк уставининг титул варағига ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхатга олинганлиги тўғрисида ёзиб қўйилади, тақдим этилган ҳужжатларнинг бир нусхаси Марказий банкда сақланадиган банкнинг юридик йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Рўйхатга олинган ҳужжатлар бир нусхадан банкнинг бош офиси жойлашган ердаги тегишли Марказий банк Бош бошқармасига ва банкка банк юридик йиғмажилдига тикиб қўйиш учун топширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бош бошқармалари ва банк уставининг титул варағига ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхатга олинганлигини қайд этади.».

4. 1.7-бандда:

биринчи хатбошидаги «1.5» рақами «1.4» рақами билан алмаштирилсин; иккинчи хатбошидаги «Комиссия» деган сўз «Қўмита» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 4.6-банднинг биринчи хатбошисидаги, 5.4-банднинг биринчи хатбо-

шисисидаги, 6.1-банддаги ва 6.3-банднинг биринчи хатбошисидаги «Лицензиялаш» деган сўз «Пруденциал назорати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 4.7-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пруденциал назорати департаменти тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва Қўмитага банкнинг янги номини тасдиқлаш, банк уставига бу билан боғлиқ киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда янги ном билан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қайта расмийлаштириб бериш масаласини киритади.».

7. 4.8-бандда:

биринчи хатбошидаги «Лицензиялаш» деган сўз «Пруденциал назорати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Комиссиянинг» деган сўз «Қўмитанинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

8. 6.4-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6.4. Пруденциал назорати департаменти тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар мазкур Низом талабларига мос келса, Банк назорати қўмитасига банк филиали тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатга олиш масаласини киритади.».

9. 6.7-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6.7. Қўмита томонидан банк филиали тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг Пруденциал назорати департаменти томонидан филиал тўғрисидаги низомнинг титул варағига ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида ёзиб қўйилади, Қўмита баённомаси ва тақдим этилган ҳужжатларнинг биттадан нусхаси банк филиалининг Марказий банкда сақланадиган юридик йиғмажилдига тикиб қўйилади.».

иккинчи хатбошидаги «Комиссия» деган сўз «Қўмита» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

379 «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари
ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 6-иловасига
ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
3 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-2*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни 5¹-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 мартдаги 197-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида» 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 9 ноябрдаги 6-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 2956, 2017 йил 19 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2017 й., 10/17/2956/0429-сон) 6-иловаси иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 апрель
3-мб-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 майда эълон қилинган.

«2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 6-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақидаги қарорга ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 9 ноябрдаги 6-мб-сон қарорига 6-сон ИЛОВА

ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ
ГОСУДАРСТВЕННАЯ СТАТИСТИЧЕСКАЯ ОТЧЕТНОСТЬ

Мансабдор шахсларнинг давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Нарушение должностными лицами порядка представления государственной статистической отчетности, выразившееся в непредставлении отчетов и других данных, необходимых для проведения государственных статистических наблюдений, искажение отчетных данных или нарушение сроков представления отчетов влечет ответственность, установленную статьей 215 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности.

Интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишида йиғиш автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади.

eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблон) ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан олишингиз мумкин.

Представляется посредством сети Интернет через автоматизированную систему сбора государственной статистической отчетности в электронном виде eStat 2.0 с использованием электронной цифровой подписи.

Электронные формы государственной статистической отчетности (шаблоны), доступные в системе eStat 2.0 можно получить на официальном сайте Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике www.stat.uz

Ахборот махфийлиги Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ қафолатланади.

Конфиденциальность информации гарантируется в соответствии со статьей 7 Закона Республики Узбекистан «О государственной статистике».

ИЖТИМОЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ
ОТЧЕТ О СТРОИТЕЛЬСТВЕ СОЦИАЛЬНЫХ ОБЪЕКТОВ

Тақдим этадилар Представляют					Тақдим этиш муддати Срок представления		1-qurilish shakli	
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар инжиниринг компаниялари, бошқа юридик шахслар (Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат асосида)					ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 3-санасидан кечиктирмай		Чораклик	
Инжинирингové компании Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятов областей и г. Ташкента, другие юридические лица (по перечню, установленному Государственным комитетом по статистике)					не позднее 3-числа месяца, следующего за отчетным периодом		Квартальная	
Статистик шаклини тўлдиришга сарфланган вақт, соатда (кераклисини белгиланг)								
Время, затраченное на заполнение статистической формы, в часах (нужное отметить)								
1 соатгача до 1 часа	1-2	2 — 4	4 — 8	8 — 10	10 соатдан ортиқ более 10 часов			
Ташкилот номи Наименование организации					КТУТ ОКПО		СТИР ИНН	
Хисобот даври Отчетный период					ой ^{*)} месяц ^{*)}		йил год	

^{*)} «ой» устунида «03», «06», «09» ёки «12» ой кўрсатилади

^{*)} в графе «месяц» указываются «03», «06», «09» или «12» месяцев

А	Б	В	Г	Д	Е	Ж	З	Ишга тушириш Ввод в действие			4	5
								қуввати мощности		3		
Объект номи Наименование объекта	Сатр коди Код строки	Объектнинг МҲОБТ рақами Код СОАТО объекта	Объект рўйхат рақами Регистрационный номер объекта	Қурилиш тури хос рақами 1-янги қурилиш, 2-реконструкция, 3-капитал таъмирлаш Код характера строительства 1- новое строительство, 2- реконструкция, 3- капитальный ремонт	Қурилиш ҳолатининг хос рақами 1-ҳисобот ййлида фойдаланишга топширилган, 2-кечгуси йилга ўтувчи Код состояния строительства 1-вводимый в отчетном году, 2- переходящий на следующий год	Ишга туширилган объектнинг хос рақами — 1, ишга тушириладиган мажмуа — 2 Код вводимого объекта — 1, код пускового комплекса — 2	Молиялаштиришнинг хос рақами Код источника финансирования	бирлик, ўқув ўринлари, сув юзаси м ² , ётоқ единиц, учебных мест, м ² зеркала воды, коек	ётоқхона –ўрин, қатнов объектлар — мест, посещений		асосий фондлар, амалдаги нархларда, минг сўм основных фондов, в фактических ценах, тысяч сум	Ўзлаштирилган инвестициялар, минг сўм Освоено инвестиций, тысяч сум.

Изоҳ: агар ҳисоботда кўрсатилган маълумотлар олдинги даврларда тақдим этилгандан тубдан фарқ қилса, сабабини кўрсатинг.

Примечание: если указанные в отчете данные существенно отличаются от представленных в предыдущие периоды, поясните причину.

Раҳбар

Руководитель

_____ (Ф.И.Ш.)
(Ф.И.О.)

ЭРИ сертификатининг тартиб рақами _____

Номер сертификата ЭЦП

Сертификатнинг амал қилиш муддати _____

Срок действия сертификата

Ҳисобот тузиш учун масъул бўлган мансабдор шахс

Должностное лицо, ответственное за составление отчета

_____ (Ф.И.Ш.)
(Ф.И.О.)

_____ (мансаби)
(должность)

_____ (алоқа телефони)
(контактный телефон)

Ташкилотнинг электрон почта манзили: _____

Адрес электронной почты организации:

Ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот маркази қошидаги электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзо билан имзоланади.

Отчет подписывается электронной цифровой подписью, выданной Центром регистрации ключей электронных цифровых подписей Научно-информационного центра новых технологий Государственного налогового комитета Республики Узбекистан.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ГАЗДАН
ФЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

380 Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3005*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги Ф–5022-сон «Ўзбекистон Республикасида электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ва Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси **қарор қилади:**

1. Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон нефть маҳсулотлари
ва газдан фойдаланишни
назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи**

Н. АГЗАМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 февраль,
3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 майда эълон қилинган.

**Электр энергетикада
назорат бўйича давлат
инспекцияси бошлиғи**

Д. ИСАКУЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 февраль,
2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон
нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни
назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда
Электр энергетикада назорат бўйича
давлат инспекциясининг 2018 йил
7 февралдаги 3, 2-сон қарорига
ИЛОВА

**Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг
автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида
электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг
замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги Ф–5022-сон «Ўзбекистон Республикасида электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (бундан буён матнда ЭНХАТ деб юритилади) жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни (бундан буён матнда энергия ресурслари деб юритилади) ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

таъминотчи — энергия ресурсларини қабул қилиш, тақсимлаш ва истеъмолчиларга шартнома асосида етказиб беришни таъминловчи ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва/ёки газ таъминоти ташкилотлари;

энергия ресурслари истеъмолчиси (бундан буён матнда истеъмолчи деб юритилади) — электр энергиясидан ва/ёки табиий газдан ишлаб чиқариш ва/ёки маиший эҳтиёжлари учун фойдаланаётган жисмоний шахс-

лар (бундан буён матнда маиший истеъмолчи деб юритилади) ва юридик шахслар ёки юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар;

энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг замонавий асбоблари (бундан буён матнда энергия ресурсларини ҳисобга олиш прибори деб юритилади) — энергия ресурслари сарфини ҳисобга олиш прибори бўлиб, истеъмол қилинган энергия ресурсларининг ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳажми унинг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2. Мазкур Низом талаблари ЭНХАТ жорий этиш доирасида янгидан ўрнатилаётган энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари учун тааллуқлидир.

2-боб. Юридик шахсларда ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахсларда энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ишларини ташкил этиш

3. Таъминотчи томонидан тегишлича электр ва газ тармоқларига улаиш учун истеъмолчига бериладиган техник шартларда ЭНХАТ жорий этиш доирасида энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш бўйича кўйиладиган талаблар кўрсатилиши лозим.

4. Истеъмолчиларнинг электр таъминоти ва газ таъминоти лойиҳаларида ЭНХАТ жорий этиш доирасида энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари бўйича алоҳида қисм назарда тутилиши керак.

5. ЭНХАТ жорий этиш доирасида ўрнатиладиган энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари, шунингдек ЭНХАТ жорий этиш доирасида ўрнатиладиган бошқа зарур элементлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ва Табиий газдан фойдаланиш қоидаларида белгиланган тартибда ўрнатилади.

3-боб. Маиший истеъмолчиларда энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ишларини ташкил этиш

6. ЭНХАТ жорий этиш доирасида ўрнатиладиган энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш бўйича ишлар таъминотчи томонидан тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ мустақил равишда ташкил этилади.

7. Таъминотчи ЭНХАТ жорий этиш доирасида ўрнатиладиган энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш бўйича ишлар бошланишидан камида 10 кун олдин жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали маиший истеъмолчиларни бу ҳақда хабардор қилади.

8. ЭНХАТ жорий этиш доирасида ўрнатиладиган энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборларини, шунингдек улар ўрнатиладиган махсус шкаф-

ларни харид қилиш, шу жумладан мавжуд (шунингдек индукцион, газ температураси ва босими бўйича коррекциясиз) приборларни алмаштириш, монтаж қилиш, давлат қиёсловидан (шу жумладан, даврий давлат қиёсловидан) ўтказиш ҳамда ўрнатиш таъминотчи ҳисобидан амалга оширилади, таъминотчи ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (бундан буён матнда Бюро деб юритилади) томонидан маиший истеъмолчи иштирокида бепул уланади, рўйхатга олинади ва пломбланади.

4-боб. Энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш

9. Юридик шахсларга ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахсларга ЭНХАТ жорий этиш доирасида ўрнатилаётган энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборларини монтаж қилиш истеъмолчининг танлови бўйича таъминотчи ёки махсус монтаж қилувчи ташкилот томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

Бунда, энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари, шу жумладан электр энергиясини ҳисобга олиш элементларини монтаж қилиш электр таъминоти ва/ёки газ таъминоти лойиҳаларига мувофиқ амалга оширилади.

10. ЭНХАТ жорий этиш доирасида ўрнатилаётган энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари:

юридик шахсларга ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахсларга ҳамда якка тартибда қурилган уй-жойларга ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тармоқларнинг мансублик чегарасида;

кўп хонадонли уй-жойларда ва намунали лойиҳалар бўйича қурилган алоҳида уй-жойларда уларнинг электр ва газ таъминоти лойиҳаларида белгиланган махсус жойларга ўрнатилади.

11. Электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан техник ҳужжатларга тегишли деб топилган, 2004 йил 27 февралдаги 20-15-62/24-сон) талабларига мувофиқ ўрнатилиши керак.

12. Табiiй газни ҳисобга олиш приборларини танлаш, жойлаштириш ва ўрнатиш ШНҚ 2.04.08-13 «Газ таъминоти. Лойиҳалар меъёрлари»га мувофиқ амалга оширилади.

13. Истеъмолчилардаги мавжуд ҳисобга олиш приборларини, шу жумладан индукцион, газ температураси ва босими бўйича коррекциясиз ишлайдиган ҳисобга олиш приборларини ечиб олиш (демонтаж қилиш) ва ЭНХАТ жорий этиш доирасида ўрнатилаётган энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш таъминотчининг ваколатли ходими томонидан Бюро вакили ва истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

14. Таъминотчининг ваколатли ходими ва Бюро вакили маиший истеъ-

молчилардаги энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборларини ечиш ва ўрнатиш ишлари соат 8.00 дан 20.00 гача амалга оширилади.

Бунда таъминотчининг ваколатли ходими ва Бюро вакили истеъмолчига ўзининг хизмат гувоҳномасини кўрсатишга мажбур.

15. Таъминотчининг ваколатли ходими истеъмолчидаги энергия ресурсларини ҳисобга олувчи мавжуд ҳисобга олиш приборларини ечиб олишда Бюро вакили ва истеъмолчи иштирокида ҳисобга олиш приборини ва ундаги пломбаларнинг бутунлигини текширади ва бу ҳақда уч нусхада далолатнома тузади ҳамда далолатноманинг барча нусхалари таъминотчининг ваколатли ходими, Бюро вакили ва истеъмолчи томонидан имзоланади.

16. Далолатномада ҳисобга олиш приборининг тури, унинг завод рақами, ишлаб чиқарувчининг товар белгиси, ечиш пайтидаги кўрсаткичи ва бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Далолатноманинг бир нусхаси истеъмолчига тақдим этилади, қолган нусхалари таъминотчи ва Бюрода қолади.

17. Истеъмолчида мавжуд ҳисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгарганда, приборга зарар етказилганда (истеъмолчининг айби билан) ёки пломбалари бузилганда, ҳисобга олиш приборларидан ташқари бошқа энергия ресурсларини қабул қилгичлар уланганда ва амалда истеъмол қилинган энергия ресурсларининг кўрсаткичларини камайтириш мақсадида бошқа қоида бузишларга йўл қўйилганда, таъминотчининг ваколатли ходими Бюро вакили билан биргаликда истеъмолчи иштирокида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ва Табиий газдан фойдаланиш қоидаларида белгиланган тартибда далолатнома тузади.

18. Таъминотчининг ваколатли ходими томонидан маиший истеъмолчиларга энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборининг давлат қиёсловидан ўтказилганлиги тўғрисидаги сертификат тақдим этилади.

19. Энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган ва улангандан сўнг таъминотчининг ваколатли ходими Бюро вакили ҳамда истеъмолчи иштирокида энергия ресурсларининг ҳисобга олиш прибори ўрнатилганлиги тўғрисида уч нусхада далолатнома тузади.

Далолатномада ҳисобга олиш приборининг тури, завод рақами, ишлаб чиқарувчининг товар белгиси, ўрнатилган пайтдаги кўрсаткичлари, давлат қиёсловидан ўтказилганлиги тўғрисидаги сертификат ва пломбалар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Далолатнома таъминотчининг ваколатли ходими, Бюро вакили ва истеъмолчи томонидан имзоланади, бир нусхаси истеъмолчига тақдим этилади, қолган нусхалари таъминотчи ва Бюрода қолади.

20. Энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган ва улангандан сўнг таъминотчининг ваколатли ходими ва Бюро вакили истеъмолчи иштирокида:

а) электр энергиясини ҳисобга олиш приборининг клемма қопқоғини (схемасини), ўлчов ток трансформаторларининг клеммаларини, ҳисобга олиш асбобининг хотира блокини ва дастурлашга кириш тугмасини (ўчиргичини),

ўтиш клеммаларини, кучланиш ўлчов трансформатори ажратгичларининг юритмаларини ва ҳимоя автоматларини пломбалайди;

б) табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари қўйидагича пломбаланилади:

маиший истеъмолчиларда ҳисоблаш механизмини (электрон кўрсаткичларини) ва ҳисобга олиш приборининг газ ўтказгич билан улаш муфтасини; юридик шахсларда:

босим датчикининг вентилли блоки;

ёпиқ ҳолатда атмосфера билан алоқа учун вентили;

очиқ ҳолатда босим датчигининг газ билан алоқа вентили;

ҳисоб-китоб механизми;

электрон корректори;

босим датчиги;

ҳарорат датчиги;

коррекция блоки алоқа кабелининг кириши;

сарф, босим, ҳарорат датчикларининг сигнал симлари;

ҳисобга олиш приборларининг тўғри участкалари, филтърнинг, киришли/чиқишли кранларнинг, байпаснинг фланцли уланмалари;

кириш/чиқиш пуфловчи вентиллари.

5-боб. Яқуний қоидалар

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

22. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, «Ўзбекнефтегаз» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан келишилган.

Бош прокуратура ҳузуридаги

Мажбурий ижро бюроси директори

Б. КУДРАТХОДЖАЕВ

2018 йил 5 февраль

Хусусийлаштирилган корхоналарга

кўмаклашиш ва рақобатни

ривожлантириш давлат

қўмитаси раиси

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 26 январь

*«Ўзстандарт» агентлиги
бош директори*

А. КАРИМОВ

2018 йил 18 январь

*«Ўзбекэнерго» АЖ
бошқаруви раиси*

У. МУСТАФОЕВ

2018 йил 15 январь

*«Ўзбекгидроэнергия» АЖ
бошқаруви раиси*

А. САНГИНОВ

2018 йил 12 январь

*«Ўзбекнефтгаз» АЖ
бошқаруви раиси*

А. СУЛТОНОВ

2018 йил 10 январь

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ЗАКИРОВ

2018 йил 2 апрель

*Фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича республика
кенгаши бошқаруви раиси*

Ш. ЖАВЛОНОВ

2018 йил 24 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

381 «5 — 9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2117-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг 2010 йил 8 июндаги 23 ва 11/ҚҚ-сон «5 — 9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2117, 2010 йил 25 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 26-27-сон, 215-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 6 апрель,
4-мх-сон

**Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи**

У. ТАШКЕНБАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 6 апрель,
2-мх-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини
назорат қилиш давлат инспекциясининг
2018 йил 6 апрелдаги 4-мх ва
2-мх-сон қарорига
ИЛОВА

«5 — 9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддимадаги «1998 йил 13 майдаги 203-сон «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига» деган сўзлар «2017 йил 15 мартдаги 140-сон «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим мактабларида 5 — 9-синф ўқувчиларининг билимларини баҳолаш ва уларнинг рейтингини аниқлаш тизимини белгилайди.»;

б) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Умумий ўрта таълим мактабларида 5 — 9-синф ўқувчиларининг (кейинги ўринларда ўқувчилар деб юритилади) билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими (кейинги ўринларда рейтинг тизими деб юритилади) Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг (кейинги ўринларда Давлат таълим стандарти деб юритилади) таркибий қисми ҳисобланади.»;

в) 6-бандда:

иккинчи хатбошидаги «коллоквиумлар, семинарлар, контроль ишлар,» деган сўзлар «назорат ишлари ёки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «имтиҳонлар, тестлар, синовлар ва малакага доир ишлар» деган сўзлар «ёзма назорат иши ёки тестлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «имтиҳонлар, тест синовлари, синовлар» деган сўзлар «оғзаки, ёзма имтиҳон ҳамда тест синовлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**382** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2772-1

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПФ–4954-сон «Йўл ҳўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 24 мартдаги 21-сон буйруғи (рўйхат рақами 2772, 2016 йил 30 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 13-сон, 125-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 апрель,
79-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 19 апрелдаги
79-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот
тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**БМЖ** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади) ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси;».

2. 3-иловада:

а) 2 003-қатордаги ва 3 007-қатордаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 2 004-қатордаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 3 002-қатордаги «Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 3 003-қатордаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш» деган сўзлар «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 3 008-қатордаги «Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортни» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан келишилган.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2018 йил 19 апрель

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2018 йил 19 апрель

*Давлат божхона
қўмитаси раиси*

М. АЗИМОВ

2018 йил 19 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

383 «Тошкент давлат юридик университети магистрату-
расига қабул қилишда тест синовларини ташкил
этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз ку-
чини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2490-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги
ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини яна-
да такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қаро-
рига асосан **бюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ Тошкент давлат юридик университети билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат тест
маркази директори**

М. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 апрель,
01-125-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 майда эълон қилинган.

Келишилган:

*Адлия вазири ўринбосари —
Тошкент давлат юридик
университети ректори*

Е. КАНЬЯЗОВ

2018 йил 25 апрель

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директорининг
2018 йил 25 апрелдаги 01-125-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2013 йил 24 июлдаги «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 01-268-сон буйруғи (рўйхат рақами 2490, 2013 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30-сон, 405-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2016 йил 3 августдаги «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 01-266-сон буйруғи (рўйхат рақами 2490-1, 2016 йил 4 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 31-сон, 386-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2018 йил 4 апрелдаги «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги 01-102-сон буйруғи (рўйхат рақами 2490-2, 2018 йил 11 апрель) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.04.2018 й., 10/18/2490-2/1056-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**384** Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1992-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ **бююрман:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2009 йил 6 июлдаги 180-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1992, 2009 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 32-33-сон, 365-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

У. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 апрель,
5-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг 2018 йил
26 апрелдаги 5-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 4-банднинг учинчи хатбошисидан «ва нотариал тасдиқланган нусхалари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Қабул комиссияси томонидан мактабда ўқиш истагини билдирган хорижий фуқаронинг ҳужжатлари, уни ўқишга қабул қилиш бўйича тузилган далолатнома ҳамда у билан тузиладиган шартнома (контракт) лойиҳаси туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига юборилади, шундан сўнг улар томонидан ҳужжатлар жамланиб Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармаларига юборилади.

Вазирлик ва идоралар тасарруфидаги мактабларда ташкил этилган қабул комиссияси томонидан ҳужжатлар тегишли вазирлик ва идораларга юборилади.».

3. 8-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Хорижий фуқароларнинг ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузурида тузилган хорижий фуқароларни мактабга ўқиш учун қабул қилиш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда махсус комиссия деб юритилади) томонидан 10 кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Вазирлик ва идоралар тасарруфидаги мактабларда ўқиш истагини билдирган хорижий фуқароларнинг ҳужжатлари ушбу вазирлик ва идоралар томонидан 10 кунлик муддатда кўриб чиқилиб қарор қабул қилинади.».

5. 10-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Махсус комиссия томонидан хорижий фуқарони мактабга қабул қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг, ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан тегишли мактабларга юбориш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига юборилади.».

7. 14-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАЖИДОВ

2018 йил 26 апрель

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 26 апрель

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2018 йил 26 апрель

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 26 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

385 Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳон ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3006*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 400-сон «Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳон ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

1. Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳон ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 апрель,
12-қ/қ-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 апрель,
7-2018-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 майда эълон қилинган.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори****М. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 4 апрель,
04/ққ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат
тест марказининг 2018 йил 4 апрелдаги
12-қ/қ, 7-2018, 04/ққ-сон қарорига
ИЛОВА

**Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат
фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар
учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳон
ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 400-сон «Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳон ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳон ўтказишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Комплекс имтиҳонни ўтказишни ташкил этиш Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг комплекс имтиҳондан ўтишини ташкил этиш бўйича бош ваколатли олий таълим муассасалари (бундан буён матнда бош ваколатли олий таълим муассасалари) томонидан амалга оширилади.

2. Комплекс имтиҳон бош ваколатли олий таълим муассасалари томонидан комплекс имтиҳон ўтказиш марказларида (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ташкил этилади.

3. Комплекс имтиҳон ўтказиш бош ваколатли олий таълим муассасалари ва Россия олий таълим муассасалари ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳонларни ўтказиш ҳақидаги икки томонлама шартномаларга асосан тартибга солинади.

2-боб. Комплекс имтиҳон ўтказишни ташкил этиш

4. Марказ томонидан комплекс имтиҳон топшириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бошланганлиги ҳақида оммавий ахборот воситалари ва Марказнинг расмий веб-сайтида эълон берилади. Шунингдек, ушбу маълумотлар Марказнинг барча шахслар кириши ва кўриши мумкин бўлган жойлардаги эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

5. Эълонда комплекс имтиҳонда иштирок этишни истаган шахслар (бундан буён матнда талабгор деб юритилади) томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, уларни қабул қилиш муддатлари, шунингдек Марказнинг манзили ва мурожаат учун телефон рақамлари кўрсатилади.

6. Талабгорлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларни қабул қилиш учун Марказ директорининг буйруғи билан масъул ходим тайинланади.

7. Талабгор ҳужжатлар қабул қилинадиган муддатларда тегишли ҳужжатларни Марказга тақдим этади.

8. Талабгордан Марказ томонидан берилган эълонда кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

9. Масъул ходим талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқлигини кўриб чиқади ва ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда уларни қабул қилади.

10. Масъул ходим талабгорга ҳужжатлар қабул қилиб олинганлиги ҳақида тилхат беради.

Талабгорнинг ҳужжатлари сақланиши бўйича масъул ходим жавобгар ҳисобланади.

11. Қабул қилинган ҳужжатлар асосида Марказ директори томонидан комплекс имтиҳон ўтказиш куни ва вақти белгиланади.

12. Комплекс имтиҳон ўтказиладиган кундан камида 3 кун олдин масъул ходим талабгорга комплекс имтиҳон ўтказилиш куни ва вақти ҳақида хабар беради.

3-боб. Яқуний қоида

13. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 28 апрелдан 5 майгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/15-сон «Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1598-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/16-сон «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1518-4.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/14-сон «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 83, 13, 2018-32-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2203-6.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 2018-30, 80, 01-02/8-30-сон «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, пудрат ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, шунингдек қурилиш материаллари ва ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2792-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 апрелдаги 14/19-сон «Банкларга васийлик қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 570-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 9 апрелдаги 2018/05-02, 29, 9, 01-02/12-21-сон «Хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун ҳунармандчилик маҳсулотлари олиб чиқилишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3004.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 апрелдаги 14/21-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-4.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 апрелдаги 14/20-сон «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 573-7.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 16 апрелдаги 3-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 6-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-2.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг 2018 йил 7 февралдаги 3, 2-сон «Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3005.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 6 апрелдаги 4-мх, 2-мх-сон «5 — 9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2117-1.

13. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 19 апрелдаги 79-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий газна ҳисобварақларини юритиш қондаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2772-1.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2018 йил 25 апрелдаги 01-125-сон «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2490-3.

15. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 апрелдаги 5-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1992-2.

16. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2018 йил 4 апрелдаги 12-қ/қ, 7-2018, 04-қ/қ-сон «Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳон ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3006.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Банк касаларидаги нақд пул колдикларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1598, 2006 йил 21 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1598-1, 2008 йил 23 апрель), (рўйхат рақами 1598-2, 2009 йил 28 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 майдаги 244-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор (рўйхат рақами 1518, 2005 йил 26 октябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат

рақами 1518-1, 2007 йил 9 октябрь), (рўйхат рақами 1518-2, 2015 йил 26 май), (рўйхат рақами 1518-3, 2015 йил 15 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 майдаги 245-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, пудрат ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, шунингдек қурилиш материаллари ва ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2792, 2016 йил 26 май).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 майдаги 248-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2490, 2013 йил 26 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2490-1, 2016 йил 4 август), (рўйхат рақами 2490-2, 2018 йил 11 апрель).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 майдаги 257-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

